



БИРДАМЛИККА ЧОРЛАЙДИГАН ОЙ



Муборак Рамазон ибодат, Қуръон тиловати, зикру тасбеҳни кўп-кўп қилиш баробарида силаи раҳмни мустаҳкамлаш, етимларни йўқлаш, қариндошлар ҳолидан хабар олиш, беморларни зиёрат этиш учун ҳам қулай фурсатдир.

Бошқа пайтдагига нисбатан бу ойда нияту ихлосга қараб савоб амалларга ажрлар кўпроқ берилади. Шу боис бу ойни барча мўмин-мусулмонлар ғанимат билиб, мўл-мўл савоб олиш илинжида бўладилар.

Биз отинойилар моҳи Рамазон кириб келишидан аввал уйлари-мизни, ҳовлиларимизни тоза-озода қилганимиз сингари қалблари-мизни ҳам ғиллу ғашликлардан, ғийбат, бўҳтон, фитна-фасодлардан поклаб олишимиз керак.

Шу билан бирга, арзимас сабаблар билан юзкўришмас бўлиб кетган танишларимиз ила орамизни ислоҳ қилиб олишимиз шарт. Чунки ҳадиси шарифда: **“Мусулмонга ўз биродаридан уч кундан ортиқ аразлаб юриши ҳалол эмас. Учрашганларида униси ҳам юз ўгиради, буниси ҳам юз ўгиради. Уларнинг яхшиси аввал салом берганидир”**, дедилар (Имом Термизий ривояти).

Анъанамизга кўра, ҳар бир маҳаллада ҳомийларни жалб қилган ҳолда муҳтожлар ва эҳтиёж-

манд оилаларга озиқ-овқатлар тарқатиб, кийим-кечак ва маблағлар берамиз. Беморлар, ёлғиз аёллар, ёш болалар, етимлар, ёши улуг ёлғиз нуронийлар ҳолидан хабар олинадилар, эҳсон уюштирилади. Бу ишлар Рамазонда яна ҳам кўпаяди.

Бундай хайрли ишлар миллий бирдамлигимизни, ҳамжиҳатлигимизни, меҳр-оқибат ришталаримизни янада мустаҳкамлайди. Зотан, динимиз таълимоти ҳам шундай: **“Ён қўшнисини оч ўтирганини била туриб қорни тўқ ётган киши мўмин эмас”** (Имом Ҳоким ривояти).

Бошқа бир ҳадисда эса: **“Саховат – бир дарахт. Унинг илдизлари жаннатда, шохлари дунёга тушиб туради. Кимки унинг шохидан ушласа, илдизлари (жаннат) сари тортади. Бахиллик ҳам бир дарахт, унинг илдизлари дўзахда, шохлари ер юзиде бўлади. Унинг шохидан ушлаганларни ўз домига тортади”**, дейилган (Имом Байҳақий ривояти).

Жамиятга назар солсак, шунча тўқинлик ичра ҳам баъзи ҳаловатсиз кишиларни кўрамиз. Авваллари бир майизни қирққа бўлиб ердик. Энди эса қоплаб олиб келсак ҳам, баракаси бўлмапти. Баъзан бир ойлик даромадимизни бир ҳафтада сарфлаётимиз. Яна топганимизда барака йўқ, деб нолиб

қўямиз-да, ўзимизни ислоҳ қилишни ўйламаймиз.

Аслида, биз, аввало, ўзимизни ислоҳ қилсак, Аллоҳ таолонинг буйруқларини бажариб, қайтариқларидан қайтсак, Раббимиз бизни ўзимиз ўйламаган томондан ризқлантириб қўйишига ваъда берган: **“Кимки Аллоҳга тақво қилса, У унга (ташвишлардан) чиқиш йўлини (пайдо) қилур. Яна, уни ўзи ўйламаган жойдан ризқлантирур”** (Талоқ сураси, 2–3-оятлар).

Азизлар, дуолар қабул бўладиган муқаддас ойда яхшиликларни, айниқса, қариндошлар ўртасида силаи раҳмни кучайтирайлик. Хулқларимизни сайқаллаб, тақвомиз ошишига сабаб бўладиган ишларни кўпайтирайлик. Фарзандларимизга ҳам сўзда, ҳам амалда ибрат бўлайлик. Уларнинг солиҳ ва салоҳиятли бўлишини Раббимиздан сўрайлик.

Рамазон рўзадорларни тартиб-интизомга ўргатади. Бу муборак ойда биз қатъий тартиб-интизомга ўргана-миз. Саҳарлик ва ифторликни ўз вақтида қилганимиз каби Қуръони карим тиловати, зикру тасбеҳлар ва бошқа ижтимоий хайрли ишларни ҳам канда қилмасак, яхши натижаларга эришамиз, иншоаллоҳ.

Шоирахон ҚОСИМОВА,
Андижон вилояти
бош отинойиси

Мундарижа

Бирдамликка чорлайдиган ой.....	1
Бидъатлардан йироқ бўлайлик!.....	3
Якка қизга ярим мерос.....	4
Бахт-саодат манбаи	6
Намозни бузадиган амаллар.....	8
Касод бўлмайдиган тижорат	9
Иддада ҳам ҳикмат бор	10
Сўз неъматни яхшилик учундир	11
Аёллар Рамазон ойида... ..	12
Эй қизим!.. ..	15
Ижтимоий тармоққа нега сурат қўймаслик керак?.....	16
Мўмина аёл тимсоли	18
Саҳобиянинг ҳақли саволи.....	19
Ҳаж савобига тенг умра.....	20
Дуолар қўргони.....	22
Бақириш қалбларни узоқлаштиради	23
Қаҳрамон муаллима	24
Таҳоратсиз киши Мусҳафни ушлаши жоиз эмас.....	26
Ғазаб ва масхаралаш балоси.....	28
Сахийлик қилган ютади.....	29
Ҳар куни қандай савоб топасиз?.....	30
Намознинг соғлиқка фойдалари	32

Ашраф Али Таҳоновий раҳматуллоҳи алайҳ бундай дейди:

«Нега таомни озуқа деб биламиз-у, лекин ваъз-насиҳатни озиқ деб билмаслигим керак? Ваҳоланки, жисмнинг озуқаси бўлганидек, руҳнинг ҳам озиғи бор... Балки энди ваъзни қайта-қайта айтишга эҳтиёж борлигини тушунган бўлсангиз керак. Озуқа баданнинг қуввати, ваъз руҳнинг тиргагидир. Шундай экан, ваъз-насиҳатларнинг қайта-қайта айтилиши асло фойдадан холи эмас».





Бидъатлардан йироқ бўлайлик!

Бидъатлар динимизда қаттиқ қораланган. Масалан, “боболар”га атаб ош пишириш, “момолар” учун чучвара тугиш ёки яқинлари ўтган инсонларнинг узоқ муддат аза тутиши, исён қилиб дод-вой солиши ва ҳоказолар.

Бир келиннинг қуйидаги гапи айрим илми инсонларнинг ҳам бундай ҳолатларга бефарқ бўлаётганини кўрсатади:

«Қайнотам илми, иймонли инсон. Одамлар турли масалалар юзасидан маслаҳат сўраб у кишининг олдига келадилар. Бироқ қайнонам “момолар”га атаб чироқ ёққанида, у кишига: “Бунинг бидъатлигини ойимга ётиғи билан тушунтиринг”, десам, қайнотам: “Бу ҳақда кўп бора айтганман, бу иш хурофот эканини далил-хужжатлар билан тушунтиряпман”, деди».

Ҳа, айрим инсонлар онгига “Муаммоларни ҳал қилиш учун маросимлар ўтказиш керак”, деган нотўғри тушунча сингиб қолган. Бу ҳолат, афсуски, ёши улуғ инсонларда кўп учрамоқда. Бидъатлар инсоннинг бу дунёсига ҳам, охиратига ҳам зарarli эканини унутмаслигимиз керак.

Бидъат ишга қўл урган ҳар ким на моддий, на маънавий фойда топмаган. Аксинча, хурофотларни қилган киши ўзининг ҳам, ўзганинг ҳам гуноҳга ботишига сабабчи бўлади. Айрим аёллар тақлидга ўч бўлишади. Ижтимоий тармоқларда бирор бидъат ишни кўрдими, дарҳол уни қилгиси келиб қолади. Бир аёл фолбинга борганини кўрса, ўша жодугарнинг манзилини ахтариб қолади.

Ҳадиси шарифда ким бирор асоссиз, гуноҳ ишни қилса, ундан кейин ўша ишни ким қилса, биринчи қилган одамга ҳам гуноҳ ёзилиши баён қилинган.

Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким Исломда гўзал суннат пайдо қилса ва ундан кейин ўша суннатга амал қилинса, унга ўшанга амал қилганлар ажрича ажр уларнинг ажридан бирор нарса ноқис қилинмаган ҳолда ёзилиб туради. Ким Исломда бир ёлгон суннат пайдо қилса ва ундан кейин ўша суннатга амал қилинса, унга ўша амал қилганлар гуноҳича гуноҳ уларнинг гуноҳларидан бирор нарса ноқис қилмаган ҳолда ёзилиб туради”**, дедилар (Имом Муслим, Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Имом Нобулсий бундай ёзди: «Бугунги кунда дунё каттадан-катта ўзгаришлар, тараққиётни бошидан кечирмоқда. Инсон ақлини шошириб қўядиган янги ихтиролар дунё юзини кўрмоқда. Хўш, Расулulloҳ алайҳиссалом: **“Ҳар қандай бидъат залолатдир”**, деган ҳадисларида шуларни назарда тутганмилар?! Йўқ, албатта! Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам назарда тутган бидъат бу – ақоид, шариат ёки ибодат масалаларида бирор янги нарсани қўшишдир».


Аслида, ҳеч бир бидъат-хурофот харажатсиз амалга оширилмайди. Фолбиннинг олдига бориш учун ҳам, унинг жирканч ишига ҳақ тўлаш, “боболар”, “момолар” учун ош пи-

шириш, чучвара тугиш ва яна аллақандай ирим-сиримлар – ҳамма-ҳаммаси чиқим талаб қилади.

Бефойда, бемаъни ишларга сарфланаётган ана шу харажатларни дори-дармонига пул тополмаётган беморларга, ўқишининг шартнома пулини тўлашга қурби етмаёган талабаларга, қарздорларга берсак, жуда кўп савобни қўлга киритган бўламиз. Зеро, ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм ҳам қилмайди, уни ташлаб ҳам қўймайди. Ким биродарининг ҳождатини раво қилса, Аллоҳ унинг ҳождатини раво қилади. Ким бир мусулмоннинг ташвишини аритса, Аллоҳ унинг қиёмат кундаги ташвишларидан бирини аритади”**, дедилар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Беш кунлик умримизни беҳуда, бемаъни ишларга, бидъат-хурофотларга эмас, балки хайрли ишларга сарфлайлик. Шундагина пушаймон бўлмаймиз.

Зулайхо СОАТОВА,
Тошкент шаҳар бош
имом-хатибининг
хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси



ЯККА ҚИЗГА ЯРИМ МЕРОС

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

يُوصِيكُمُ اللَّهُ فِي أَوْلَادِكُمْ لِلذَّكَرِ مِثْلُ حَظِّ الْأُنثِيَيْنِ فَإِنْ كُنَّ نِسَاءً فَوْقَ اثْنَتَيْنِ فَلَهُنَّ ثُلُثًا مَّا تَرَكَ وَإِنْ كَانَتْ وَاحِدَةً فَلَهَا النِّصْفُ

“Аллоҳ фарзандларингизга (мерос тақсимида) бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида (беришни) буюради. Агар (меросхўрлар) иккидан ортиқ аёл бўлса, уларга (мархум) қолдирган нарсанинг учдан иккиси, агар якка қиз бўлса, унга (мероснинг) ярми (беришур)” (Нисо сураси, 11-оят).

Аллоҳ азза ва жалла “Аллоҳ фарзандларингизга (мерос тақсимида) бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида (беришни) буюради”, деган. Баъзилар: «Аллоҳ таолонинг “ювсийкумуллоҳу” сўзи “Аллоҳ сизларга фарз қилади” маъносидадир», дейишган.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг кўплаб оятларида меросни фарз деб номлаган. Жумладан, Аллоҳ таоло: “Эркаклар учун ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган (мерос)дан улуш бордир. Аёллар учун (ҳам) ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган (мерос)дан улуш

бордир. Бу озми-кўпми, фарз қилинган улушдир” (Нисо сураси, 7-оят), деган.

Шунингдек, мазкур оятнинг охирида ҳам “(Шунинг учун мерос тақсими) Аллоҳнинг (Ўзи) томонидан (белгиланди ва) фарз қилиб қўйилди”, деган. Чунки мерос ҳақдорлар томонидан бирор уриниш ва аралашувсиз Аллоҳ таолонинг Ўзи во-

авладикум” сўзи “Аллоҳ таоло сизларга фарзандларингиз борасида баён қилади” маъносида», дейишган.

Ушбу ояти карима билан Аллоҳ таолонинг: “Қайси бирингизга ўлим ҳозир бўлганида (яқинлашганида ўзидан кейин) бирор яхшилиқ (бойлик) қолдираётган бўлса, ота-она ва қариндошларига маълум

миқдорда васият қилиш битилди (фарз қилинди)” (Бақара сураси, 180-оят) сўзи билан ота-она ва қариндошларга васият қилишнинг ҳукми насх қилинган. Ушбу оят насх қилинганининг далили қуйидаги хабардир: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алай-

ҳи ва саллам: “Албатта, Аллоҳ ҳар бир ҳақ эгасига ҳақини берди. Меросхўрга васият қилиш йўқ”, дедилар» (Имом Ибн Можа, “Сунан”).

Сўнгра айтилишича, жоҳилият аҳли аёллар ва ёш болаларга – ўғил бўлсин, қиз бўлсин – мерос бермас эдилар.



жиб қилган ҳукмдир. У Аллоҳ таоло бандалар томонидан бирор уринишсиз уларга вожиб қилган бошқа фарзлар кабидир. Шу сабабдан ҳам Аллоҳ таоло Ўзи вожиб қилган меросни фарз деб номлаган.

Баъзилар: «Аллоҳ таолонинг “ювсийкумуллоҳу фий

Балки улар меросни жанг қиладиган ва ўлжани қўлга киритадиган эркакларга берар эдилар. Шунда Аллоҳ таолонинг: **“Эркаклар учун ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган (мерос)дан улуш бордир. Аёллар учун (ҳам) ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган (мерос)дан улуш бордир. Бу озми-кўпми, фарз қилинган улушдир”** ояти нозил бўлди.

Ояти карима меросда аёлларнинг ҳам ҳақи бор эканини баён қилган. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг: **“Аллоҳ фарзандларингизга (мерос тақсимида) бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида (беришни) буюради”** сўзи ҳам меросда эркак ва аёлларнинг ҳақи борлигини билдиради.

Баъзилар: «Ушбу оятнинг таъвили Қуръонда “завил арҳам”, яъни қариндошлар – улар бунинг сабаби борасида турлича бўлсалар ҳам – хусусида баён қилинган маънодир. Ушбу оятдан кейин келадиган Аллоҳ таолонинг **“Аллоҳ фарзандларингизга (мерос тақсимида) буюради”** сўзида оятларнинг охиригача мерос масалалари зикр қилинган бўлиб, Аллоҳ таоло эркак ва аёллар учун беришни вожиб қилган ва уни аввал қисқача баён қилган улушларнинг миқдори келтирилган», дейишган.

Уламолар агар киши вафот этиб, ўзидан кейин ўғил ва қиз фарзандлар қолдирган бўлса, мерос сифатида қолган мол улар ўртасида бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида тақсим этилишига ижмо қилганлар.

Имом Мотуридийнинг
“Таъвилотул Қуръон” асаридан
Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ
таржимаси



Саҳарлик (оғиз ёпиш) дуоси

Ўқилиши: **“Навайту ан асுவма совма шаҳро рамазона минал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъала. Аллоҳу акбар”.**

Маъноси: *“Рамазон ойининг рўзасини субҳдан то кун ботгунча холис Аллоҳ учун тутишни ният қилдим. Аллоҳ буюкдир”.*

Ифторлик (оғиз очиш) дуоси

Ўқилиши: **“Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва ʼалайка таваккалту ва ʼала ризқика афторту, фағфирлий, йа Гоффару, ма қоддамту вама аххорту”** Бироҳматика йаа арҳамар роҳимийн.

Маъноси: *“Аллоҳ, ушбу рўзамни Сен учун тутдим ва Сенга иймон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй меҳрибонларнинг энг меҳрибони, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қил!”*

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қачон ифтор қилсалар: **“Аллоҳумма! Лака сумту ва ʼалаа ризқика афторту”**, дер эдилар (Имом Абу Довуд ва Имом Тобароний ривояти).

Маъноси: *“Аллоҳим, Сен учун рўза тутдим ва Сен берган ризқ ила ифтор қилдим”.*

Қадр кечаси дуоси

Ойша онамиз розияллоҳу анҳо: **“Ё Расулуллоҳ, агар Қадр кечасини топишга муваффақ бўлсам, нима деб дуо қилай?”** деб сўради. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«“Аллоҳумма иннака ʼафуввун, туҳиббул ʼафва фаʼфу ʼанний”, деб айтгин», дедилар (Имом Термизий ривояти).

Маъноси: *“Аллоҳим, албатта, Сен кечиргувчисан, кечиришни яхши кўрасан. Мени (гуноҳларимни) кечиргин”.*



Бахт-саодат манбаи

Азиз муштарийлар! Журналимизда қория опа-сингилларимиз билан суҳбатлар уюштиришни ният қилдик. Илк суҳбатдошимиз 2018 йилда республика миқёсида ўтказилган “Ўзбекистон Қуръон мусобақаси – 2018” танловининг хотин-қизлар ўртасида мутлақ ғолибаси Робияхон НАЖМИДДИНОВАдир.

– Ассалому алайкум! Биламизки, Қуръон ёдлаш улуғ фазлдир. Аллоҳ таоло сизга буюк неъмат – қорияликни насиб этган. Айтинг-чи, Қуръони каримни қанча муддатда ёд олгансиз?

– Ва алайкум ассалом! Қуръони каримни ёдлашга 18 ёшда киришганман. Ўшанда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтига ўқишга киргандим.

Асосий дарслардан кейин “Таҳфизул Қуръон” кафедраси қошида очилган Қуръон ёдлаш курсида қолиб, Аллоҳнинг Каломини ёдлардим. 30 порани 6 ойда бир марта ёдлаб топширганман. Кейинги такрорларимнинг барчасида санок қилиб, жузларни жамлаганман.

2018 йилнинг октябрь ойида Қуръонни бир ўтиришда 12 соатда устозларга ёддан ўқиб берганман. Бу Аллоҳнинг Каломини 38-марта ёддан хатм қилишим эди. Шунда ёдлашимга 6 ой, такроримга 2 йил, ижоза олишимга 5 ой вақт кетган. Жами 3,5 йилда мураттаб қориялик шарафига эришдим, алҳамдулиллаҳ.

– Рамазон – Қуръон ойи. Ёдлаш ёки такрорлаш жараёни бу баракали ойда қандай кечади?

– Қуръон ёдлаш ва такрорлашда Рамазон ойи жуда

муҳим. Устозларимиз Шаъбон ва Рамазонда Қуръон бўйича вирдларимизни кўпайтириб беришарди.

Салафи солиҳлар бу муборак ойда тижоратларини, муҳаддислар эса ҳадис айтишни тўхтатиб, Қуръон тиловати билан машғул бўлишган.

Киши агар Қуръонни ёдламаган бўлса ҳам, бу ойда ҳеч бўлмаганда бир марта, имкон қадар икки ёки уч марта хатм қилса, кейинги ойларида ҳам уни ўқиб юришга асос бўлади.

Қуръони карим баракадир. Аллоҳ таоло Сод сурасининг 29-оятида бундай марҳамат қилади: “(Эй Муҳаммад! Ушбу Қуръон) **оятларини тафаккур қилишлари ва ақл эгалари эслатма олишлари учун Биз Сизга нозил қилган муборак Китобдир**”.

Жаброил алайҳиссалом Аллоҳнинг Каломини олиб

тушгани учун энг улуғ фарштага айланди. Каломуллоҳ Расулуллоҳ алайҳиссаломга нозил бўлди, шу боис у зот энг афзал пайғамбар саналдилар. Рамазонда туширилди, шунинг учун ушбу ой ойларнинг султони дейилди. Бу умматга Қуръон берилди ва энг афзал умматга айланди.

Ким Қуръон билан машғул бўлса, Аллоҳ унинг вақтига барака киритади. Ким барака, муваффақият, тавфиқ истаса, Қуръон билан банд бўлсин. Устозлар айтадики, банда бугун олдиға қўйган режалари, бажармоқчи бўлган ишлари унумли бўлиши, куни баракали ўтиши учун тонгда Қуръондан кўпроқ тиловат қилиши керак. Бошқа илмлардан инсоннинг насибаси унинг Қуръонга аҳамияти миқдоорида бўлади. Чунки илмнинг боши Қуръондир.

– **Набий алайҳиссалом:** *“Аллоҳнинг инсонлар ичиде аҳллари бордир”,* дедилар. *“Эй Аллоҳнинг Расули, улар ким?”* дейишди. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Улар Қуръон аҳли – Аллоҳнинг хос аҳллариридир”,* дедилар. **Қуръоннинг баракасини шахсан ўзингизда нималарда кўргансиз?**

– Ҳофизи Қуръонларга Аллоҳнинг каломи туфайли бериладиган барака жуда кўп. Уларнинг ризқида, молида барака бўлади.

Яна бири – юзи нурли бўлади. Бир кўрган одам қалбида меҳр уйғонади.

Қуръоннинг маъносини тушуниб ёдлаган инсон қалбига ҳаётӣй, синовли воқеалар асносида Аллоҳ Каломидан вазиятга уйғун бир оят келиб туради. Мулоҳаза қиларкансиз, ҳикматини тушунасиз, ўша оят шу ҳолатнинг моҳиятини очиб беради. Бундан таскин топасиз, илм ҳосил қиласиз.

– **Бир қория сифатида бошқаларга айтар сўзингиз...**

– Қуръони карим – Аллоҳ таоло бутун инсониятга туширган ҳидоят, бахт манбаи. Агар банда Қуръонни ўқишга, оятларини тафаккур қилишга интилмаса, энг буюк нарсадан маҳрум бўлади. Ҳаётини Аллоҳ таолонинг дастурига кўра яшамоқчи бўлган банда, албатта, Қуръон билан ошно бўлади.

Қуръонни чиройли, беҳато ўқишни ўрганишимиз лозим. Ҳа, Аллоҳ бу Китобни оятларини тадаббур қилишимиз учун нозил қилди. Демак, маъноларини ҳам ўрганишга ҳаракат қилишимиз зарур. Аллоҳнинг Каломини англаш ва ҳаётимизга татбиқ қилиш бугунги фитнали даврда янада муҳимдир. Аллоҳ таоло барчамизни муваффақ қилсин.

Зухрахон ҲАМДАМОВА
суҳбатлашди.

ҚУРЪОН ШАФОАТИ



Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Қуръон қиёмат кунини қабр ёрилганида ўз соҳибига юзи оппоқ киши каби йўлиқиб: *“Мени танидингми?”* дейди. У: *“Йўқ”,* деб жавоб беради. **Қуръон:** *“Мен кундузлари чанқатган, тунларингни бедор қилган ҳамроҳинг Қуръонман. Ҳар бир тижжоратчи ўз тижжорати ортидадир. Мен эса, бугун сенинг ортингдаман”,* дейди. *Сўнгра унга мулк ўнг томонидан, абадийлик чап томонидан берилиб, бошига виқор тожи қўндирилади. Унинг ота-онасига бу дунёнинг бутун қиймати ҳам унга тенг келмайдиган кийим кийдирилади. “Бунини нима сабабдан кийдик?”* деб ҳайрон бўлганларида уларга: *“Фарзандингиз Қуръонни қўлга киритгани учун”,* дейилади. *Сўнг унга: “Ўқи ва жаннат даражалари ва боғларида кўтарил”,* дейилади. *У тез ўқийдими, секин ўқийдими, модомики ўқир экан, кўтарилиб бораверади»* (Имом Аҳмад, “Муснад”).

Намозни бузадиган амаллар

◆ (Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

Икки ҳарфдан иборат “оҳ”, “уф” каби товушларни чиқариш ҳам намозни бузади.

Намозда қаҳқаҳа отиб, ёнидагилар эшитадиган овозда кулиш намозни ҳам, таҳоратни ҳам бузади. Намоз ўқиётган киши ўзи эшитадиган овозда кулса, намози бузилади, лекин таҳорати бузилмайди. Намоз ўқиётганда овоз чиқармай табассум қилиш билан намоз ҳам, таҳорат ҳам бузилмайди.

Намоз ўқиётганда мусибат ёки оғриқ сабабли овоз чиқариб йиғлаш ҳам намозни бузади. Аммо охират учун йиғлаш билан намоз бузилмайди.

Узрсиз томоқ қириш билан намоз бузилади.



Акса урганга намозда “Ярҳамукаллоҳ” дейиш билан намоз бузилади. Шунингдек, намоз ўқиётган кишига хурсандчилик хабари етганда “Алҳамдулиллаҳ” ёки “Субҳаналлоҳ” деб жавоб берса, намози бузилади. Сўзлар намоздаги зикрларга ўхшаш бўлса ҳам, жавоб маъносида айтилгани сабаб намозни бузади. Намоз ўқиётган киши ёмон хабар эшитганда **“Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун”** деса ҳам, намози бузилади.

Намозда имомдан бошқага луқма берган (эслатиб юбориш) кишининг намози бузилади.

Намозда Мусҳафга қараб қироат қилиш билан намоз бузилади.

(Давоми келгуси сонда.)

*“Ҳидоя” ва бошқа асарлар асосида
Имом Бухорий номидаги Тошкент
ислом институти катта ўқитувчиси
Сурайё ИБРАГИМОВА тайёрлади.*

ҚАЛБ МАЛҲАМИ

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Қиёмат кун банданинг биринчи бўлиб ҳисоб қилинадиган амали бу намоздир»**, деганлар.

У зотдан: “Қайси амал афзал? (Аллоҳга суюклироқ)” деб сўралганида: **“Вақтида ўқилган намоз”**, деб жавоб берганлар. (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Намоз бандани Аллоҳ таолога дили ва вужуди билан боғлайдиган ибодат, руҳ озуқаси, қалб жароҳатининг малҳами, нафс жиловидир. Намоз иймоннинг аломати, қабрни нурлантирувчи зиё, охиратда дўзахдан тўсувчи парда, бандани ёмонлик ва гуноҳлардан қайтарувчи энг яхши даводир!

Касод бўлмайдиган тижорат

Кулайб ибн Манфаъ айтади: «Бобом Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва салламдан: “Кимга яхшилик қилай, ё Расулуллоҳ?” деб сўрабди. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Аввал онангга, сўнгра отангга, кейин опа-синглингга, ака-укангга ва ундан сўнг қариндошларингга яхшилик қилгин”**, деб жавоб берибдилар» (Имом Бухорий ривояти).

Ушбу ҳадиси шарифда аввал она, сўнгра ота, кейин опа-сингил ва ака-укалар зикр қилинди. Ҳар бирининг ўз ўрни ва фазли бор. Бошқа манбаларда она уч карра зиёда зикр қилинган. Бунга сабаб нима?

Доктор Мустафо Зухайлий раҳимаҳуллоҳ “Тафсири Мунир”да бундай ёзади: “Ҳадиси шарифда она отадан уч марта зиёда зикр қилинишига сабаб шуки, уч ишда у ёлғиз бўлади: ҳомилани кўтариш машаққатида, уни дунёга келтиришда ва туғилган болани икки йилгача уйқусини бузиб эмизиш муддатида”.

Ота қанчалик меҳрибон бўлмасин, кечалари уйғониб, боласининг бешигини тебратса ҳам, бу ишни у она каби меҳр билан бажаролмайди. Онанинг шу уч иш орқали даражаси орттирилади.

Силаи раҳмда ота-онага яхшилик қилишдан кейин опа-сингиллар ака-укалардан олдин зикр этилди. Чунки опа-сингиллар доим шафқатли ва меҳрибон бўлишган.

Халқ орасида бундай ҳикмат бор: “Бугдойзор ортида яшайдиган сингисини кўргани кетаётган ака бугдойларни оралаб ўтиб бўлса-да,



жигари олдида шошилишига рухсат берилади. Бошқа ҳолатда ҳосилни пайҳон қилиши жоиз эмас”.

Ота-онаси тирик фарзанд моли касодга учрамайдиган тижоратчига ўхшайди. Шу мавзуда гап очилса, ҳаётимда содир бўлган бир воқеа доим ёдимга тушадди. Умра зиёратига борганимда Масжидул Ҳаромдан чиқар эканман, ногиронлар аравасида ўтирган бир нуроний отахонга кўзим тушди. У кишининг ёши ан-

ча улуғ, соч-соқоллари оппоқ, араб миллатига мансуб эди. Мен отанинг ёнига бориб, каминани дуо қилишини сўрадим. Шунда у киши: “Эй болам, отанг ҳаётми?” деб сўради. У маҳалда раҳматли ота-онам тирик эди. “Ҳа, отам бор”, деб жавоб бердим. “Онанг борми?” деганига ҳам “Ҳа!” деб жавоб бердим. Шунда отахон табассум билан: “Ундай бўлса, эй болам, сен катта савдогар экансан. Тижоратингга мустаҳкам бўл, мустаҳкам бўл”, деди...

Ҳа, ота-она ҳеч қачон касод бўлмайдиган тижорат... Ота-онаси ҳаёт кишилар бунга яхши билишлари керак. Шунинг учун уларнинг хизматларини қилиб, дуоларини олишга ҳаракат қилиш лозим.

Муаззам

МАНСУРЖОНОВА,

“Мир Араб” олий мадрасаси
2-курс талабаси

“Саодат эшикларининг энг каттаси ота-онанинг дуосидир”.

Доктор Оиз Қарний,
араб олими

Хизмат тақозоси билан ажрим ёқасига келиб қолган эр-хотинларни яраштиришга уринамиз. Айрим ҳолларда бу ишнинг уддасидан чиқамиз ҳам. Лекин баъзан арзимас баҳоналарни рўқач қилиб, фарзандларини тирик етим қилаётганларга ҳеч қандай насиҳат кор қилмайди.

Янада ачинарлиси, суд орқали ажрашган аёлни собиқ эри уйдан чиқариб юборади. Эрга ҳар қанча тушунтирсак ҳам, собиқ аёлига идда ўтириши учун ҳеч қандай шароит қилиб бермайди. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Талоқ қилинган аёллар ўзларига қараб, уч ҳайз муддати (ўтишини) кутиб ўтирадилар”** (Бақара сураси, 228-оят).

Идданинг бир қанча ҳикматлари бор. Энг муҳимлари, аёлнинг ҳомиласи бор ёки йўқлиги аниқ бўлади ҳамда никоҳнинг ҳаққини адо қилади (яъни никоҳ узилганидан хафалигини изҳор қилади).

Идда сақлаш уч нарса сабабли вожиб бўлади. Улардан **биринчиси – талоқ**. Эр хотинини боин ёки ражъий талоқ қилса, хотин ҳайз кўрадиган бўлса, юқорида айтилганидек, уч марта ҳайз кўриб поклангунича идда ўтиради.

Агар ёши кичиклиги ёки қарилиги сабабли ёки баалоғат ёшида бўлса ҳам, ҳайз кўрмайдиган бўлса, уларнинг иддаси уч ой бўлади. Бу ҳақда ояти каримада бундай баён қилинади: **“Хотинларингиз орасидан (кексайиб) ҳайз кўришдан умид узганлари, агар сизлар (иддалари хусусида) шубҳалансангиз, бас, (билингизки) уларнинг иддалари уч ойдир, яна (бирор марта) ҳайз кўрмаганлар-**

Иддада ҳам ҳикмат бор

нинг (иддалари) ҳам...” (Талоқ сураси, 4-оят).

Агар талоқ қилинган аёл ҳомиладор бўлса, унинг иддаси туққунича давом этади. Идда ўтирган ҳомиладор аёлнинг боласи тушса, боланинг аъзолари аниқ билиниб қолган бўлса, шу билан идда тугайди, аъзолари билинмаган нарса тушса, идда тугамайди. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“...Ҳомиладор-**

ларнинг (идда) муддатлари ҳомилаларини кўйишлари (кўз ёришлари)дир. Кимки Аллоҳга тақво қилса, (Аллоҳ) унинг ишини осон қилур” (Талоқ сураси, 4-оят).

Иккинчи сабаб – эрнинг вафот этиши. Эри вафот этган аёл тўрт ойу ўн кун идда ўтиради. Бунинг далили қуйидаги оятдир: **“Сизлардан вафот этиб, хотинларини қолдирган бўлсалар, (бева хотинлари) тўрт ойу ўн кун ўзларини кузатиб (идда сақлаб) ўтирадилар”** (Бақара сураси, 234-оят).

Агар эри вафот этган аёл ҳомиладор бўлса, унинг иддаси туққуничадир.

Учинчи сабаб – жинсий алоқадир. Гувоҳларсиз никоҳланиб, кейин жинсий алоқа қилинган бўлса, бундай никоҳ фосид никоҳ бўлиб, улар ажралиб кетса ёки эркак вафот этса ҳам, аёл ҳайз билан идда ўтиради. Шубҳа билан, яъни ўзининг жуфти деб ўйлаб, бошқа билан жинсий алоқада бўлса ва кейин иккиси ажралиб кетса ёки эркак вафот этса ҳам, у аёлнинг иддаси ҳайз билан бўлади.

Никоҳдан кейин хилвати саҳиҳадан, яъни жинсий алоқага имконият бўлишидан аввал эр талоқ қилса, унинг аёли идда ўтирмайди. Бу тўғрида Аҳзоб сура-сида бундай дейилади: **«Эй мўминлар! Қачонки сизлар**



мўминаларни никоҳингизга олсангиз-у, сўнгра уларга “тегиш”-дан илгари уларни талоқ қилсангиз, у ҳолда сизлар учун уларнинг зиммасида санайдиган идда йўқдир. Бас, сизлар уларни (озгина моддий) баҳраманд этиб, чиройли кузатиш билан кузатингиз!» (49-оят).

Демак, идда тугагач, эр ва аёл ўртасидаги никоҳ алоқалари тугайди. Янгидан турмуш қурмоқчи бўлган аёл идда муддати тугаганидан кейингина никоҳланиши мумкин бўлади (“Ҳидоя”, “ал-Мухтор”, “ал-Ихтиёр”).

Шундай экан, ҳар бир эр, тақдир тақозосига кўра, охирги чора сифатида аёли билан ажрашган бўлса ҳам, шариат кўрсатмасига риоя қилиши, яъни собиқ аёлининг идда сақлашига шароит яратиб бериши керак.

**Нигора
ИМОМОВА**

СЎЗ НЕЪМАТИ ЯХШИЛИК УЧУНДИР

Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур Алишер Навоий ҳақида: “Алишербек назири йўқ киши эрди...” деб ёзган. Дарҳақиқат, бу эътироф қанчалик ҳаққоний эканини Навоийнинг ижод гулшанига кирган, унинг бебаҳо назм намуналаридан баҳраманд бўлган, Навоийни англай олган одамгина ҳис этади.

Ҳазрат Навоий нафақат улуғ шоир, балки намунали мусулмон, улуғ шахс бўлган. У зот каби буюк алломалар тарихда камдан-кам учрайди.

Шоирнинг бепоён шеърят бўстонида сайр этишни истаган ҳар бир мухлис у зотнинг сўз танлашдаги нафосатидан ҳайратга тушади. Навоий назми қалбларни ҳаяжонга солади, ҳайратлантиради.

Алишер Навоийнинг тил, хусусан, сўз ҳақида ёзган биргина рубоийсини олайлик:

*Сўздурки, нишон берур
ўлукка жондин,
Сўздурки, берур жонга
хабар жонондин.
Инсонни сўз айлади
жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ
йўқ ондин.*

Рубоийда, шоир таъкидлаганидек, яхши сўз ўликни тирилтиришга сабаб бўла олади. Сўзнинг “ўликка жон бериши”ни “Яхши сўз – жон озиғи” маъносида англаш керак. Яна Навоий ҳазрат:

*“Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай”,* дейди.

Ғамда қолган кишига таскин бериш, энг аввало, унга яхши сўз айтиш билан бўлади. Яхши сўз ҳатто узоқда туриб айтилса ҳам, мусибатдаги одам қалбига малҳамдек таъсир этади.

Динимиз таълимотида бемор кишига Қуръони карим оятларини ўқиб шифо сўраш бор. Бу ҳам каломнинг шиғобахшлиги белгисидир. Қуръон шифо экани оятда ҳам келган.

Сўз жонга, яъни инсонга Аллоҳ

ни танитиш воситасидир. Яъни, инсон сўз тугайли ўзини ва борлиқнинг эгаси Аллоҳ таолони танийди. Демак, сўз Яратганнинг мўъжизасидир. У инсонни бу мўъжиза билан ҳайвондан устун қўйди. Унга тафаккур қилиш, фикрини баён этиш, эшитиш бахтини берди.

Шоир сўз таърифи воситасида одам аҳлини муқаддас бўлмиш сўзни қадрлашга, уни фақат эзгу мақсадлар учун ишлатишга чақиради. “Оғзига келганин демоқ – нодоннинг иши” дея аввал ўйлаб, сўнг сўзлашга даъват қилади. “Сўз исрофи ҳам нон исрофи кабидир” деган ҳикматни:

*Киши чин сўз деса зебодурур,
Неча мухтасар бўлса, авлодурур,
мисралари ила эсга солади.*

Яъни, инсон чин-рост сўзни сўзласа, бу жуда гўзал, зебодир. Қанчалик қисқа бўлса, шунчалар авло-яхшидир.

Дилором КАРИМОВА,
филология фанлари
номзоди, доцент





Аёллар Рамазон ойида...

САВОЛ: Саҳарликка туролмаган киши сув ичиб, ният қилиб, рўза тутса бўладими?

ЖАВОБ: Саҳарликка туролмаган киши ҳеч нарса еб-ичмай, рўза тутишни ният қилиши лозим.

“Рамазон ойида (саҳарликка туролмаган киши) тонг отгандан кейин рўзани бузадиган нарсалар қилмаган бўлса, заволгача ният қилиши жоиз бўлади. Агар тонг отгандан кейин қасддан ёки унутиб еб-ичган ёки аёлига яқинлик қилган бўлса, ўша куннинг рўзасининг қазосини тутиб бериши лозим бўлади” (“Фатавои ҳиндия”, “Шарҳут Таҳовий”).

САВОЛ: Шак куни рўза тутиш мумкинми?

ЖАВОБ: “Шаъбоннинг ўттизинчи куними ё Рамазоннинг биринчи куними?” деб гумон қилинган кун шак кунидир. Агар шак куни кишининг нафл рўза тутадиган кунига тўғри келса, у куни рўза тутиши афзал. Шак куни фақат нафл рўза тутиш жоиз. Масалан, бир киши ҳар пайшанба куни рўза тутишни одат қилган бўлса, шак куни пайшанба кунига тўғри келиб қолса, шак кунида рўза тутгани яхши.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Рамазондан бир-икки кун олдин рўза тутманг. Кишининг одатда рўза тутиб юрадиган кунига тўғри келиб қолиши бундан мустасно, у тутсин”** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

САВОЛ: Рамазон ойида ҳомиладор ёки эмизикли аёл рўза тутмаса бўладими?

ЖАВОБ: “Ҳомиладор ё эмизикли аёл рўза тутса, ўзига ёки боласига зарар етишидан қўрқса, рўза тутмаса бўлади. Кейин қазосини тутди” (“Хулоса” ва “Фатавои ҳиндия”).

Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Албатта, Аллоҳ мусофирдан рўзани (ҳаммасини) ва намознинг ярмини, ҳомиладор ва эмизикли аёлдан эса рўзани (ҳаммасини) қўтарган”**, деганлар (Имом Насоий ривояти). Агар ҳомиладор ёки эмизикли аёл (тонгда) рўзага ният қилса, боласи ё ўзига зарар етишидан қўрқмаса, рўзани очиши жоиз эмас (“Баҳрур роиқ”).

САВОЛ: Аёллар Рамазон ойида ҳайз кўрса ҳам, рўза тутишадими?

ЖАВОБ: Рамазон ойида аёлнинг одати бошланиб қолса, пок бўлгунича рўза тутмайди. Одат кунларида тутмаган рўзани Рамазондан кейин қазосини тутиб беради.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом аёлларга ҳайз кунлари тутилмаган Рамазон рўзасининг қазосини тутишга буюрганлар.

Муоза розияллоху анҳудан ривоят қилинади. У Ойша розияллоху анҳудан: “Нима учун ҳайз кўрган аёл рўзанинг қазосини тутадими-ю, узрли ҳолда ўқилмаган намознинг қазосини ўқимайди?” деб сўради. Ойша онамиз: “Узрли ҳолатда бўлган кунларимизда рўзанинг қазосини тутишга, намознинг қазосини эса ўқимасликка буюрилганмиз”, деб жавоб бердилар (Имом Муслим ривояти).

“Рўзадор аёл ҳайз ёки нифос кўрса, рўзасини очади. Кундуз куни мусофир сафардан келса ёки аёл ҳайздан покланса, куннинг қолган қисмида еб-ичишдан сақланади” (“Ҳидоя”).

“Ҳайз кўрган аёлдан намоз соқит бўлади, поклангач, қазосини ўқимайди. Ҳайз кўр-

ганда рўза тутиши ҳаром бўлади, поклангач, қазосини тутати” (“Ал-Мухтор”).

“Рўза тутаетган аёл ҳайз кўриб қолса, рўзаси бузилади. Поклангач, қазосини тутиши вожиб бўлади” (“Умда-тур риъоя”).

САВОЛ: Рўзадор одам сўлагини ютса, рўзаси очилади-ми?

ЖАВОБ: Рўзадор сўлагини (тупуги)ни ютса, рўзаси очилмайди.

“Рўзадор оғзида тупугини йиғиб, кейин ютиб юборса ҳам, рўзаси бузилмайди” (“Муҳитул Бурҳоний”).

“Аммо қасддан сўлагини оғзида тўплаб сўнг ютиши макруҳ бўлади” (“Зоҳирия” ва “Фатавои ҳиндия”).

САВОЛ: Аввал ифтор қилинадими ёки шом намози ўқилладими?

ЖАВОБ: Саволингиздаги “ифторликдан” таом ейишни назарда тутган бўлсангиз, сизнинг тушунчангиздаги “ифторлик” шом намозни ўқигандан сўнг бўлади. Агар ифторликни оғиз очиш маъносида келтирган бўлсангиз, шом намозидан олдин оғиз очилади. Чунки рўза қуёш ботиши билан тугайди. Шунда бир қултум сув ичиш ё хурмо ейиш суннат бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одатда аввал оғиз очиб, кейин шом намозини ўқиганлар.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқишдан ол-

дин оғзиларини хўл хурмолар билан очардилар. Агар хўл хурмолар бўлмаса, қуруқ хурмолар билан оғиз очардилар. Агар қуруқ хурмолар ҳам бўлмаса, бир неча қултум сув ичардилар” (Имом Абу Довуд ривояти).

Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Инсонлар оғиз очишни тезлаштирсалар, яхшиликда бардавом бўладилар”**, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Аллоҳ азза ва жалла бундай деди: “Дарҳақиқат, бандаларимнинг менга энг суюқлиси – оғиз очишни тезлатадиганларидир”**», дедилар (Имом Аҳмад ва Имом Термизий ривояти).

САВОЛ: Нималар рўзани бузади?

ЖАВОБ: Рамазон рўзасини тутган киши қасддан овқат еса, сув ичса, дори истеъмол қилса ёки аёлига яқинлик қилса, рўзаси бузилади. Унга ҳам қазо, ҳам каффорат вожиб бўлади.

Бу ҳолатларда рўза бузилади, қазоси вожиб бўлади, каффорат вожиб бўлмайди:

- тонг отмаган деб саҳарлик қилганда ёки кун ботди деб оғзини очганда тонг отган ёки кун ботмаган бўлса;
- аёлини ўпиши ёки ушлаши сабабли жунуб бўлиб қолса;
- ҳуқна қилдирса;

– бурнига дори томизса.

Қайт қилса, рўза бузилмайди. Лекин ўзи қасддан, оғзи тўлиб қусса, рўзаси бузилади ва қазосини тутиш вожиб бўлади.

Бу ҳолатларда рўза бузилмайди:

- рўза тутгани эсида бўлмай еса, ичса, аёли билан яқинлик қилса;
- уйқусида ёки аёлига қараб жунуб бўлиб қолса;
- қон олдирса;
- сурма қўйса;
- аёлини ўпса, лекин жунуб бўлмаса (рўзадор бундай ишлардан ўзини тийиши лозим).

Рўзадорга булар макруҳ бўлади:

- ўзини тийишга ишонмаган кишига аёлини ўпиш;
- бирор нарсани татиб кўриш ва мисвоқдан бошқа нарса билан тишни тозалаш;
- болага заруратсиз таом чайнаб бериш.

САВОЛ: Рўза тутган одам тиш маъжунини билан тишини тозаласа бўладими?

ЖАВОБ: Ибодат масаласида эҳтиёт бўлиш лозим. Шунинг учун уламолар рўзадорга тиш маъжунидан саҳарда оғизни ёпишдан олдин ёки ифтордан кейин фойдаланишни тавсия этганлар.

САВОЛ: Кимлар фидя беради?

ЖАВОБ: Шариатимиз рўза тутолмайдиган икки тоифа кишиларга фидя беришни буюрган:

- қарилик сабабли рўза тутишга ярамайдиган, кун-

дан-кунга заифлашиб бораётган кексаларга;

– тузалишига умид бўлмаган ва рўза тутиш саломатлигига зиён етказиши мумкин бўлган сурункали касалларга (*“Баҳрур роиқ”*).

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «(Рўза тутишга) **мадори етмайдиганлар зиммасида бир мискиннинг** (бир кунлик) **таоми фидядир. Кимки ихтиёрий равишда зиёда хайр қилса** (лозим бўлганидан ортиқ фидя берса), **ўзига яхши. Агар билсангиз, рўза тутишингиз** (фидя бериб тутмаганингиздан) **яхшироқдир»** (*Бақара сураси, 184-оят*).

Ҳар кунлик рўза фидясининг миқдори ярим соъ буғдой (тахминан икки килограмм) ёки бир соъ хурмо, ёхуд бир соъ арпадир. Уларнинг қийматини бериш билан ҳам мумкин.

Фидя Рамазон ойидан олдин берилмайди. Ой кириши билан хоҳласа, ўттиз кунлик рўзанинг фидясини бирданига беради. Хоҳласа, кунма-кун бериб беради (*“Фатавои ҳиндия”*).

Фидяни бир кишига ёки бир неча кишига бериш мумкин (*“Раддул мухтор”*). Фидя закот олиши мумкин бўлганларга, масалан, мискинга, фақирга, бева-бечора, етим-есирга берилади.

Фидяни ота-онага, фарзандларга, набираларга, эр ё хотинга ҳамда закот олиши мумкин бўлмаганларга

бериш мумкин эмас.

Фидя бераётган қария ёки сурункали бемор рўза тутишга қодир бўлиб қолса, тутмаган рўзаларининг қазосини тутиши вожиб бўлади (*“Раддул мухтор”*).

Рўза тутишга ярайдиган қариянинг рўза тутиши фарз (*“Раддул мухтор”*).

Беморга рўза тутиш зарар қилса, рўза тутмай туради, сўнг қазосини тутади.

САВОЛ: Қурилиш бўёқларининг ҳиди рўзани очмайдами?

ЖАВОБ: Табиий ҳолатда келиб турган ҳид рўзани очмайди. Лекин рўзадор атайлаб ўткир ҳидли нарсани ҳидлаши макруҳдир.

САВОЛ: Олов теккан нарса билан оғиз очиш мумкин эмасми?

ЖАВОБ: Хурмо билан, бўлмаса, сув билан оғиз очиш суннат бўлади. У нарсалар топилмаса, олов теккан нарса билан оғиз очишнинг зарари йўқ.

САВОЛ: Рўзадор чанқаганда сувни ютмай ғарғара қилса бўладими?

ЖАВОБ: Рўзадор таҳорат қилишидан бошқа вақтда озғини чайиши макруҳ бўлади. Агар сувни ютиб юборса, рўзаси очилади ва қазо тутиши лозим бўлади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази (78) 150-33-44

ОИЛА ТИНЧЛИГИНИ СЎРАШ ДУОСИ

Набий алайҳиссаломдан оила тинчлиги борасида қуйидаги дуо ворид бўлган:

“Аллоҳумма аллиф байна қулубинаа ва аслиҳ зата байнина, ваҳдинаа субулас салами”.

Маъноси: **“Аллоҳим, қалбларимизни улфат ва ораларимизни ислоҳ қил, бизни саломатлик йўлларига ҳидоят эт”** (Ибн Ҳиббон ривояти).

МУШКУЛОТДАН ЧИҚИШ ДУОСИ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мушкул вақтда: **«Лаа илаҳа иллаллоҳул Азиймул Ҳалийм. Лаа илаҳа иллаллоҳу Роббул аршил азийм. Лаа илаҳа иллаллоҳу Роббус самавати ва Роббул арзи ва Роббул аршил карийм»**, дер эдилар (*Икки шайх ва Имом Термизий ривоят қилишган*).

Абу Бакра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Мушқули борнинг дуоси: “Аллоҳим! Раҳматингдан умидворман. Мени кўз очиб юмгунча ҳам ўзимга ташлаб қўймагин. Менинг ишларимни Ўзинг ўнглагин. Сендан ўзга ибодатга сазовор илоҳи маъбуд йўқдир”**», дедилар (*Имом Абу Довуд ва Имом Ибн Ҳиббон ривояти*).



(Давоми.

Бошланиши ўтган сонларда.)

Эркак учун дунё – уй, аёл учун уй – дунё. Эркакнинг қисмати – жабр, аёлнинг қисмати – сабр. Чунки эркак жабр тортиб тахт топади, аёл сабр қилиб бахт...

Агар ўғил отасининг исмини кўтариб юрса, қиз унинг ўзини кўтариб юради.

Аёллар ҳаммаси бир-бирига ўхшайди. Уларни фақат ҳаё ажратиб туради.

Марв шаҳри қозисининг бир қизи бор эди. Унга ўлканинг бойлари, мансабдорлари, молу мулк эгалари харидор бўлишди. Аммо қози уларнинг ҳаммасига рад жавобини берди.

Қозининг Муборак деган кули бор эди. Келганига икки ой бўлган, бу орада боғдаги мевалар пишганди. Хўжайин Муборакка узум келтиришини буюрди. Олиб келинган узумлар ранги чиройли бўлса ҳам, ҳали етилмаганди. Қайта олиб келишга юборди, лекин бу сафар ҳам худди олдингисидек нордон чиқди.

– Ахир, тоқзорда қанча узум бор, нега фақат пишмаганини олиб келяпсан? – деб сўради қози.

– Қайси ширин, қайси хом эканини билмайман, – деб жавоб берди Муборак.

– Субҳоналлоҳ, – деди ҳайрат билан хўжайин. – Икки ойдан бери боғда сан, ҳалигача қайси ширин, қайси

нордонлигини билмайсанми? Еб кўрмадингми?!

– Хўжайин, вазифам узумларни кўриқлаш, ейиш эмас. Сиз менга боғни муҳофаза қилишни топширгансиз. Шундай бўлгач, мевалардан ейиш тўғри бўладими? – деди кул.

Қози бундай ҳодисага биринчи марта гувоҳ бўлаётганди. Кўнглидагидек инсонни топган эди. Муборакка деди:

– Сендан бир нарсани сўрамоқчиман. Менинг қизим бор, бир қанча мансабдор, сердавлат кишилар қўлини сўрашди. Уларнинг қай бирига розилик беришни билмаяпман. Нима қилсам экан?

Муборак жавоб берди:

– Жоҳилият даврида наслу насабига, насронийлар ва яҳудийлар ҳусну тароватига, саодат асрида эса диндорлиги, тақвосига қараб куёв танлашарди. Давримиз одамлари эса молу мансабига қарашади. Шундай бўлгач, совчилардан ўзингиз хоҳлаганингизга бераверинг.

– Мен ҳам диндорлиги ва тақвосига қарайман, шунинг учун қизимни сенга бераман. Чунки бу гўзал хислатларни сенда кўрдим.

Муборак ўзининг кул экани, қиз бунга рози бўлмаслиги мумкинлигини айтди. Аммо қози қарорида қатъий эди. Муборакни уйига бошлади. Уйга киргач, хотинига деди:

– Бу солиҳ, тақволи, диндор қулимиз. Қизимизни унга бермоқчиман, нима дейсан?

– Ўзингиз биласиз, фақат қизингиздан сўрайлик.

Она бўлган гапни айтганида қиз бу хусусда ихтиёр ота-онасида эканини билдирди.

Шундан кейин никоҳ ўқилди. Аммо Муборак келиннинг ёнига кирмади. Бу аҳвол қирқ кун давом этди. Ҳолатдан хабар топган она чиқолмади, эрига айтди:

– Топган куёвингиз шунча пайтдан бери қизимизнинг юзига ҳам боқмабди. Бу нима қилгани?

Бу ҳақда қози Муборакнинг ўзидан сўраганида бундай жавоб олди:

– Мени тўғри тушунинг! Қизингизни хушламаган жойим йўқ, фақат бир андишам бор. Сиз шунча йил қозилик қилгансиз, қизингиз бирор шубҳали луқма еган бўлиши мумкин. Шу сабабли ўтган кунлар давомида унга ҳалол едирдим, ичирдим. Бу ишни фақат Аллоҳ бизга солиҳ фарзанд ато этсин, деган ниятда қилдим.

Кейинчалик бу оилада ўғил дунёга келди. Исмини Абдуллоҳ қўйишди. Ўша гўдак валий зот бўлиб етишди. У Абдуллоҳ ибн Муборак эди!

(Давоми бор.)

Таржимонлар: **Иймон Али КИТОБ АЛИЕВ, Сайдуллоҳ АҲМЕДОВ**

Ижтимоий тармоққа нега сурат қўймаслик керак?


Тансиқроқ таом еса ҳам, ижтимоий тармоқда кўз-кўз қилиш одатга, ҳатто ниҳоятда катта тезликда тарқалаётган эпидемияга айланди. Ёшу қари, эркагу аёл – ҳамма шу иш билан банд. Айниқса, бу иш аёл-қизларнинг жону дили. Лекин бундан барака топган бирор кимсани кўрмадик. Аммо хатарли жиҳатлари борки, у хаёлимизга ҳам келмайди. Русчадан ўгирилиб эълон қилинган ушбу мақолани ўқисангиз, ичингизга совуқ шамол кириб кетади. Эҳтимол, ижтимоий тармоқдаги саҳифаларингизни тозалаб оларсиз:

“Бугунги кунда интернет ўзида жуда катта маълумотларни жамлаган. Мактабда бирга ўқиган дугонамининг ижтимоий тармоқдаги саҳифасига кирганимда, тўғриси, кўрқиб кетдим.

Атиги 15 дақиқа ичида унинг кейинги икки йиллик ҳаётини лаҳзама-лаҳза ўрганиб чиқдим: қачон касал бўлгани, қачон, қаёққа, қанча вақтга бутун оиласи билан дам олишга боргани, кимлар билан учрашгани... Туғишганлари ва яқинларининг мутлақо шахсий маълумотлари ва уларнинг тагида телефон рақамларигача жойланган.

Хўп, деяверинг, бу энди аллақачон меъёридан ошиб ўтиб кетган нарса.

Таассуфки, ижтимоий тармоқларда фақат сизнинг дўстларингиз ва яқинларингиз



гиз эмас, ундан ёмон ниятли одамлар ҳам фойдаланади ва сиз уларга ўзингиз ҳақингиздаги ҳамма маълумотларни тақдим қиласиз.

Бир сафар шахсан ўзим Фейсбукда нохуш ҳодисага учрадим. Шифохонада даволанаётганимда бир йигит билан танишиб қолдим. Орадан бироз вақт ўтиб ундан кўрқа бошладим, чунки унда руҳий касаллик белгиларини кўрдим.

Тез орада уйга қайтиб кетдим ва енгил нафас олдим. Шукрки, янги танишимни қайтиб кўрмайман, демак, энди хавфсизман.

У фақат менинг отимни ва мобиль рақамимни биларди. Телефонимда уни ва барча нотаниш рақамларни қора рўйхатга тиқиб қўйдим. Негаки, у менга эртаю кеч турли рақамлардан қўнғироқ қилаётганди.

Бир ойлар ўтганидан сўнг узлуксиз қўнғироқлар тўхтади. Уни эсламай ҳам қўйдим. Бироқ бир куни Фейсбукка кирсам, ўша кимса мени дўстлари саҳифага қўшмоқчи эканини кўрдим.

Аввалига саросимага тушдим ва кўрқиб кетдим, қандай қилиб мени ҳисобга қўшиб қўйганини ҳеч тушуна олмадим. Ахир у менинг фақат исминни биларди, холос. Мен ҳақимда бошқа ҳеч нарса маълум эмасди унга. Бизнинг умумий танишларимиз ҳам йўқ эди.

Ана шундан кейингина ҳаммаси анча содда эканини билиб олдим, у мени Фейсбук рўйхатидан ўтишда кўрсатган телефон рақамимдан фойдаланиб топган.

Ушбу воқеадан кейин интернетнинг қанчалар хатарли эканини англадим”.



Албатта, соғламаларда мени телефон рақами бўйича қидиришга рухсат бериш ёки тақиқлаш функциялари мавжуд. Аммо бу нозикликларни фойдаланувчиларнинг ҳаммаси ҳам билавермайди ва ўзи ҳақидаги барча маълумотларни қалаштириб қўяверади.

Шунингдек, оммага эълон қилаётган фотосуратларингизни жойлаш масаласида ҳам эҳтиёткор бўлинг.

Азайимхонлар ва экстрасенсларнинг таъкидлашича, инсоннинг фотосуратига қараб унга тўлиқ таъсир ўтказиш мумкин. Масалан, сиз турмуш ўртоғингиз билан бахтдан масрур бўлиб турган никоҳ оқшомингизнинг суратини жойладингиз. Бу суратни минглаб одам кўради, уларнинг кўпчилиги сизнинг бахтингизга ҳавас қилади. Бироқ кўплаб ёлғиз ва бахтсиз одамлар ҳам борки, сизнинг севинчингиз уларнинг томоғига тиқилган суякдек бўлади. Бу гап ҳомиладор аёлларга ҳам тегишли. Ҳаммага ўзининг юкли бўлганини кўрсатишнинг асло кераги йўқ. Чунки бу ишингиз билан фарзанд кўра олмайдиган минглаб аёлларнинг кўнглини чўктирасиз ва уларнинг аксарида ҳасад уйғотасиз.

Зотан, инсонга фотосурат орқали таъсир кўрсатиш учун жодугар ёки экстрасенс бўлиш шарт эмас, баъзида инсоннинг кучли ҳасади бошқаларнинг бахтига ўшалардан кам зарар етказмайди. Шу билан бирга кўзикиш масаласи ҳам бор...

Халқ мақолларида айтилганидек, бахт жимликни ёқтиради.

Бинобарин, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Кўз тегиши ҳақдир**», деганлар (*Тўртовлари ривоят қилишган*).

Шундай экан, азизлар, балодан, назардан, кўздан, суқдан паноҳ сўраб дуога қўл очганимизда ана шу масалаларни ҳам ўйлаб қўяйлик. Бу ёқдан дуо қиламиз-у, бу ёқдан балоларга ўзимизни тутиб берамиз, Аллоҳ асра-син, эҳтиёт бўлайлик. Бахтимизни ўзимиз билсак бўлди...

Хадича ҲАЙИТОВА

Ғийбат қилмайлик

Қадимдан бор шундай ривоят,
Қуръонда ҳам келгандир оят.
Ким дўстининг ёмон кунидан
Кулиб, унга берса азият.

Бошга солмай шу кунни Аллоҳ,
Олмас экан жонини, э воҳ.
Қочиб туҳмат, фитна, балодан,
Яратгандан сўрайлик паноҳ.
Аралашса суҳбатга ёлғон,
Фитна қилмиш қалбларга шайтон.
Охиратда гувоҳ тилимиз,
Азоблардан қолмасмиз омон.

Тилимизни тийиб ғийбатдан,
Сўз очайлик ҳадис, ҳикматдан.
Қалбларимиз қочиб иллатдан,
Ором олсин гўзал суҳбатдан.

Ёқутхон ОБИДОВА,
Асака тумани

Ота соғинчи

Болалигим хаёлларида
Ёғаётган эди оппоқ қор.
Изғириндан титраган дамлар,
Кетган эди тиззамдан мадор.

Атрофимда бўронли шамол,
Чимчиларди жисмимни шу он.
Кўриндингиз олисдан алҳол,
Меҳрибоним, азиз отажон.

Бағрингизга интилдим шодон,
Порлагандек бўлди бир қуёш...
...Ўша кунни эслайман ҳануз,
Тилим жиму сўзлайди кўзёш.

Сафия НАЗАРОВА,
Самарқанд вилояти



Мўмина аёл тинимсоли

Абу Нуайм Асбаҳоний Зайнаб бинти Абу Муовия ҳақида бундай дейди: “Кўп намоз ўқувчи ва кўп садақа қилувчи сақафиялик Зайнаб розияллоҳу анҳо барча зебу зийнатларини Раббисига муқарраб бўлиш умидида садақа қилган аёлдир”.

Зайнаб қўлида яхшигина хунари бор, нарсалар ясаб сотар, йиққан пулини яқинларига улашарди.

Зайнаб розияллоҳу анҳо ҳам бошқа муслима аёллар қатори байъатда қатнашди, Хайбар иштирокчиси бўлди. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадислар ривоят қилди. Бу муҳтарама аёл “Умматнинг фақиҳи” деган унвонга сазовор бўлган Абдуллоҳ ибн Масъуд билан турмуш курди.

Зайнаб бинти Абу Муовия розияллоҳу анҳо Расули акрамнинг ўзларидан, эри Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Умар розияллоҳу анҳумодан саксонта ҳадис ривоят қилган. Ундан ўғли Абу Убайда, жияни, Буср ибн Саид ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган. Улар “Саҳиҳайн” китобларида келган.

У ривоят қилган ҳадислардан бири Расулуллоҳ соллал-

лоҳу алайҳи ва салламнинг аёл кишини уйдан хушбўй суриб чиқишдан қайтарганлари ҳақидадир. Бу ҳадисни Ибн Саъд раҳимахуллоҳ санад орқали Буср ибн Саиддан ривоят қилган. Буср айтади: «Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг хотини Зайнаб Сақафиянинг хабар беришича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: **“Хуфтон намозига келсанг, ўзингга хушбўйлик сурма”**, деганлар».

Зайнаб бинти Абу Муовия розияллоҳу анҳонинг ҳаётида бир-биридан гўзал хотиралар ва ажойиб ишлар кўп бўлган. У эридан кўплаб фазилатлар ва хулқ-атворларни ўзлаштирган. Зайнаб розияллоҳу анҳо ҳар жабҳада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашувчи эрининг “сояси” ва шогирди эди. Эри унга ҳар бир амалида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўрнатилган олишни тавсия қиларди.

Имом Аҳмад раҳимахуллоҳ Зайнаб розияллоҳу анҳодан бундай ривоят қилади: «Зайнаб розияллоҳу анҳо айтади: “Абдуллоҳ уйга келса, бехосдан нохуш нарсага кўзи тушиб қолмаслиги учун

йўталиб кўярди. Бир куни келиб йўталди. Олдимда менга дам солаётган кампир бор эди. Уни сўримнинг остига киргизиб қўйдим. Абдуллоҳ кириб, ёнимга ўтирди ва бўйнимдаги ипни кўриб: “Бу нима?” деди. Мен: “Дам солинган ип”, дедим. У ипни узиб олди ва: “Абдуллоҳнинг оиласи ширкдан беҳожатдир. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай ишлардан қайтарганларини биламан”, деди. Шунда мен: “Ахир менинг кўзимдан ёш оқар эди. Фалончи яҳудийнинг олдига борсам, дам солиб қўйса, тўхтарди”, дедим. У: “Ўша шайтоннинг иши. У қўли билан у (кўз)ни чўқир эди. Дам солганда тўхтарди. Сенга эса Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган нарсани айтишим кифоя қилади: **“Аллоҳумма Роббан нас. Азҳибил баъса. Ишфиҳи ва Анташ Шафий. Ла шифа’а илла шифаука шифа’ан, ла юғодиру сақаман”** (Маъноси: “Эй Аллоҳим! Одамларнинг Раббиси! Касалликни кетказ. Шифо бер. Ўзингдан ўзга шифо берувчи йўқ. Асоратини қолдирмайдиган шифо бер”))».

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг бу сўзи бемор ўзи-



га Фотиҳа, Ихлос, Фалақ ва Нос сураларини ўқиб, қўлига суфлаб, юзига суртиш кераклиги ҳақидаги ҳадисга мувофиқ келади.

Зайнаб бинти Абу Муовия розияллоҳу анҳо хулафои рошидинлар розияллоҳу анҳум даврининг охирига қадар яшади. Бунга эри Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу қилган васияти далолат қилади: “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Бу Абдуллоҳ ибн Масъуднинг васияти. Агар унга бу касалидан бирор кор-ҳол етса, уни Зубайр ибн Аввом ва унинг ўғли Абдуллоҳ ибн Зубайр амалга оширади. Улар бу васиятда нимани маъқул кўрсалар, амалга ошираверадилар. Қизларим улардан беҳабар турмушга чиқмасинлар. Хотиним Зайнаб бинти Абу Муовия ундан тўсиб қўйилмасин”. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ҳижрий 23 йилда вафот этган. Хотини ундан кейин ҳам яшаган.

Бу улуғ саҳобиянинг гўзал ҳаётидан бир шингил, холос. У ҳақиқий мўмина аёл тимсоли эди. Аёлларга намуна эди. Охиратни устун қўйиб, икки дунёда ҳам Аллоҳ таолонинг ризосига етишни кўзлаган аёллардан бири эди.

Аллоҳ ундан рози бўлсин!

Манбалар асосида
Бобомурод ЭРАЛИ
тайёрлади.

Саҳобиянинг ҳақли саволи

Саодат асри ва келажакнинг барча аёллари номидан мўминаларнинг умумий андишаси бўлган бир масала борасида Асмо розияллоҳу анҳонинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга берган саволи ва унга олган жавоби...

Саҳобалардан Язид ибн Сақан розияллоҳу анҳунинг қизи Асмо розияллоҳу анҳо фасоҳатли ва заковатли аёл эди. Бир кун уни аёллар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига юборишди. Расули акрам алайҳиссаломга ҳурмат сақлаган ҳолда қуйидагиларни сўради:

– Ё Аллоҳнинг Расули, ота-онам сизга фидо бўлсин! Аёллар мени элчи қилиб юборишди. Ҳақ таоло сизни бутун эркаклар ва аёлларга Пайғамбар қилиб юборди. Биз аёллар сизга ва Раббингизга иймон келтирдик. Биласизки, биз аёллар уйда қолиб кетдик. Яъни эримизнинг хизматларини қиламиз, болаларимизни тарбиялаймиз. Сизлар эса жума намозини ўқиш, масжид ва жамоатга бориш, беморларни зиёрат қилиш, жаноза намозини ўқиш, ҳаж қилиш каби фазилатлар билан биздан устунсиз.

Валлоҳи, сизлар ҳаж, умра ёки кофирларга қарши жанг қилиш учун уйингиздан чиқсангиз, мол-мулкингизни ҳи-

моя қиламиз, ип йигириб, кийим тўқиймиз ва фарзандларингизни тарбиялаймиз. Шундай экан, бизлар ҳам ўша хайрли ва савобли амалларнинг ажрига шерик бўламизми?!

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Асмо розияллоҳу анҳонинг бу сўзларини эшитгач, ёнидаги саҳобаларига қараб:

– Сиз ҳеч дини ҳақида бундан-да ҳақли савол берган аёлни кўрганмисиз? – дедилар.

Улар:

– Ё Расулulloҳ! Биз аёл зотининг дини ҳақида бунчалар муҳим савол бериши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмагандик! – дейишди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга юзланиб:

– Эй аёл, диққат билан эшит ва сени юборган аёлларга етказ! Аёлнинг эрига чиройли муомала қилиши ва унинг розилигини қозониши ушбу фазилатларнинг барчасига тенгдир, – дедилар.

Асмо розияллоҳу анҳо ортига қайтиб кетар экан, севинчи ичига сиғмасдан такбир ва таҳлил айтиб борарди (Ибн Асокир, “Тарихи Асокир”, VII, 363–364).

Нигора МИРЗАЕВА
таржима қилди.



Ҳаж савобига тенг умра

Мўминнинг қалбига ҳузур, дардига дармон бўлиб Рамазони шариф кириб келмоқда. Бу ойда ибодатлар, зикрлар, дуолар, амаллар гўзаллашади. Шундай кунда инсоннинг умра қилиши ҳам савоб, ҳикмат ва мукофотларга бисёрлиги Рамазоннинг фазилатини яна бир бор намоён этади.

“Умра” сўзи луғатда “зиёрат” ва “ободлик” маъноларини билдиради. Истилоҳда эса Байтуллоҳни тавоф этиб, Сафо ва Марва орасида саъй қилиб бажариладиган маҳсус зиёратга айтилади. Умра ибодатининг иккита фарзи бор: эҳром боғлаш, тавоф қилиш. Вожиби ҳам иккита: Сафо ва Марва орасида саъй қилиш, соч қирдириш ёки қисқартириш.

Қуръони каримда: **“Ҳаж ва умрани батамом қилинг!”** (Бақара сураси, 196-оят) дейилади. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло Қуръони каримда умрани ҳажга қўшиб зикр қилган. Бу таъкид умранинг қанчалик улуғ ибодат эканига далил

бўлади. Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан умра ҳақида: “У вожибми?” деб сўралди. **“Йўқ, умра қилмоғингиз афзал ибодат”**, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Умра ҳанафий мазҳабида кўра, қурби етган кишиларга суннати муаккада ҳисобланиб, йилнинг барча ойида бажариши дуруст. Аммо умра зиёратини арафа, наҳр ташриқ кунлари адо этиш макруҳ. Мазкур кунда асосан ҳаж амаллари бажарилганидан бундай вақтда ҳаждан бошқа амаллар билан машғул бўлмаслик дуруст.

Рамазон ойида қилинган умра афзал ҳисобланади. Негаки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Қачон Рамазон бўлса, унда умра қилгин. Албатта, Рамазондаги умра ҳаждир”**, деганлар. Яна бир ҳадис Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Рамазонда бажарилган умра**

ҳажга тенг ёки мен билан бирга адо этилган ҳажга тенг”, деганлар (Муттафақун алайҳ).

Умра зиёратини ибодат эмас, балки саёҳат билиб, вақтини бозорларда харидларга, суратга тушишларга сарфлаётганлар бор, афсуски. Яна умрадан қайтган инсонларни яқинлари дабдаба билан кутиб олиб, исрофгарчиликларга йўл қўйишяпти. Ҳатто айрим вилоятларда умрадан келган қудаларга келин томон сарпо қилишяпти. Бу каби бидъатлар инсонлар орасидаги меҳр-оқибатга путур етказаётгани рост. Шунингдек, ибодат амалларининг мукамал бўлишига тўсқинлик қиляпти. Зеро, риё ва тама динимизда қаттиқ қораланган.

Аслида умра ибодати қалбларни поклаб, Аллоҳга янада яқин бўлишга ундайди. Лекин айримлар гуноҳ қилишдан ўзларини тийишмаяпти. Ахир умра ва ҳаж зиёратлари бизга ўзимизни ислоҳ қилиб, икки



дунёмизнинг саодати ҳақида тафаккур қилишимизга сабаб бўлиши керак эмасми?

Салмон Форсий розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шаъбон ойи охирида бизларга хутба қилаётиб: **“Эй инсонлар! Буюк, муборак ой сизларга соя солиб турибди. Бу ойда минг ойдан кўра яхшироқ бир кеча бор. Аллоҳ таоло бу ойнинг рўзасини фарз қилди, кечаси бедор бўлишни нафл қилди. Ким унда бирор-бир яхшилик ила Аллоҳга яқинлик ҳосил қилса, худди бошқа ойларда фарзни адо қилганга ўхшайди. Бу ой сабр ойидир. Сабр қилишнинг савоби жаннатдир. Бу ой ўзгалардан кўнгул сўраш, меҳр-мурувват кўрсатиш ойидир. Бу ойда мўмин кишининг ризқи зиёдалашади. Ким у кунда бирор рўзадорга ифторлик қилиб берса, бу унинг гуноҳларига мағфират ва жаҳаннамдан озод бўлишига сабаб бўлади. Ҳамда унга ҳам рўзадорнинг ажридан бирор нарса камайтирилмаган ҳолда ўшанча ажр бўлади”,** дедилар. Шунда: “Ё Расулуллоҳ, бизларнинг ҳар биримиз рўзадорни таомлантира-

диган нарса топа олмаймиз-ку”, дедик. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Аллоҳ таоло бу савобни рўзадорга бир ютум сут ё бир дона хурмо, ё бир қултум сув билан ифторлик қилган кишига ҳам беради, ким рўзадорни тўйдирса, Аллоҳ таоло уни менинг ҳавзимдан суғорадики, ундан кейин то жаннатга кирғунига қадар чанқамайди. Бу ойнинг боши раҳмат, ўртаси мағфират, охири жаҳаннамдан озод бўлишдир. Бу ойда тўрт хислатни кўпайтиринглар. Икки хислат билан Раббингизни рози қиласизлар. Яна икки хислатга эса, албатта, муҳтож бўласизлар. Раббингизни рози қиладиган икки хислат – “Лаа илааҳа иллаллоҳ” шаҳодати ва У Зотга истиффор айтишларингиздир. Сизлар, албатта, муҳтож бўладиган икки хислат эса Аллоҳ таолодан жаннатни ато қилишини ва жаҳаннамдан сақлашини сўрашларингиздир”,** дедилар.

Жамол МАВЛОНОВ,
“Жўйбори Калон”
аёл-қизлар
ўрта махсус
ислом таълими
муассасаси мударриси

Биби Жамиа Хойун

Авлиё аёллардан. Сейистон (Эрон ва Афғонистон чегарасидаги тарихий вилоят)да яшаган. Таваллуд топган йили маълум эмас. 1639 (ҳижрий 1049) йил олтмиш ёшдан ўтиб вафот этган. Онаси, отаси ва акаси тасаввуфда етишган зотлар бўлган. Уларнинг суҳбатларини тинглаб камол топган. Бир сафар ўз қўли билан бир косани буғдойга тўлдиради. Ана ўша буғдойни йил давомида фақир ва ғарибларга тарқатади, унинг баракоти битмайди.

Яна бир марта унга бир балиқ эҳсон қиладилар. Бундан жуда ҳам мамнун бўлиб, балиққа назар солади. Балиқнинг устида бир нур порлайди. Сўнггра: “Буни сақланг, қурисин, кейин бутун яқинларингиз бундан есин”, деди. Ҳақиқатан, айтганидек бўлади. Озгина ҳосил ва мол унинг баракоти билан ҳайратланарли даражада ортади. Кимнинг бир эҳтиёжи бўлса, ҳал этилишини сўраб унга муурожаат қиларди. Фотиҳа сурасини ўқиб дуо қилгани заҳоти ўша эҳтиёж ҳал бўларди. Қандайдир сабаб топилиб, машаққат барҳам топарди.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.



Дуолар қўрғони

Кўз нурларим!

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг болажонларни қанчалар яхши кўришларини, болалар билан муомалалари, уларга муаллимлик қилганлари, шунингдек, болалар қалбида у зот алайҳиссаломга нисбатан муҳаббат қандай жо бўлганини билиб олдингиз.

Азизларим, эндиликда кун давомида ўзингизга зарур бўладиган дуоларни ўрганишингиз мумкин. Дуоларга эътиборли бўлиб, кундалик одатга айланиши учун уларни ўз вақтида ўқиб боринг.

Нима учун зикр (дуо)ларни ёдлаб, уларни доимо такрорлайман?

Сабаби, Аллоҳ таоло кўп зикр этувчи бандани яхши кўради ва шу боис зокирни буюк савоб билан мукофотлайди.

Сабаби, Аллоҳ таолони зикр этиш руҳнинг озиғидир. Унда мен роҳат ва саодатни топаман. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Раббини зикр қи-**

лувчи билан зикр этмайдиган кишининг фарқи худди тирик билан ўликнинг ми-солидек”.

Сабаби, Аллоҳ таолонинг зикри мени ҳар бир ёмонликдан ҳимояловчи ва сақловчи қўрғондир.

Аллоҳ сизни эслайди

Аллоҳ таоло сизни яхши кўради.

Сиз Парвардигорни зикр қилганингизда У Зот ҳам сизни эслайди.

Ўйғонганда ўқиладиган дуо

Ўқилиши: **“Алҳамду лил-лаҳил-лазий аҳйана баъда ма аматана ва илайҳи-н-нушур”.**

Маъноси: “Бизни ўлдиргандан кейин яна ҳаёт берадиган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Қайтиш Унгадир” (Имом Муслим ривояти).

Қуёш – Аллоҳ таолонинг бизга берган неъматларидан бири...

Ҳожатхонага кираётганда айтиладиган дуо

Чап оёғимни муқаддам қўйиб, бундай дейман:

Ўқилиши: **“(Бисмиллаҳ.) Аллоҳумма инний ъаузу бика минал-хубуси вал-хобас”.**

Маъноси: **“(Бисмиллаҳ.) Эй Аллоҳ! Албатта, мен Сендан эркак ва урғочи жинлардан паноҳ беришингни сўрайман”.**

Ҳожатхонадан чиқаётганда ўқиладиган дуо

Ўнг оёғимни муқаддам қўйиб бундай дейман:

Ўқилиши: **“Ғуфронака”**
Маъноси: **“Мағфират этгин”.**

(Боши. Давоми кейинги сонларда.)

Юлдуз КОМИЛОВА
таржимаси



Бақирриш қалбларни узоқлаштиради



Улуғлардан бири талабалари билан бирга кетаётган эди. Йўл бўйидаги уйларнинг биридан эр-хотиннинг бақир-чақир эшитилди. Устоз талабаларидан:

– Одамлар нега бир-бирига қичқиради, биласизми? – деб сўради.

Талабалардан бири:

– Одам жаҳли чиққанда бақиради-да, – деди.

Шунда у зот:

– Аммо жаҳлимизни чиқарган инсон шундоққина ёнимизда турган бўлса, унга нега бақириб гапирамиз? Унга айтмоқчи бўлган гапларимизни пастроқ овозда айтишимиз ва сўзлашга катта куч сарфлашимиз шарт бўлмай туриб, нега бўғзимизни йиртгудек бақирамиз? – деб яна сўради.

Талабаларидан сас чиқмагач, ўзи тушунтира бошлади:

– Икки инсон ўзаро ғаблангани заҳоти уларнинг қалблари бир-биридан узоқлашади. Шундан кейин улар узоқ масофадан бир-бирига овози эшитилиши учун

бақирришга мажбур бўлади. Уларнинг ғазаби қанчалик кучайса, ўртадаги масофа ҳам шунча узоқлашиб бораверади ва улар янада қаттикроқ бақириб гапиради.

Хўп, икки инсон бир-бирини севса-чи, унда нима бўлади? Улар бақирриш ўрнига мулойим оҳангда гаплашади. Чунки қалблари бир-бирига жуда ҳам яқин, орадаги масофанинг ўзи ҳам йўқ.

Хўш, икки инсон бир-бирини жуда ҳам қаттиқ севса нима бўлади? У ҳолда уларга сўзлашишнинг кераги йўқ. Шунчаки шивирлашади, холос. Негаки, уларнинг қалби бир-бирига янада яқинлашган бўлади. Бора-бора уларнинг шивирлашига ҳам эҳтиёж қолмайди, бир-бирига қараб қўйсалар, бас, шунинг ўзи кифоя. Икки инсоннинг бир-бирига бўлган ҳақиқий севгисининг изҳори ана шундир.

Сўнг устоз талабаларига бундай деди:

– Шундай экан, бирор сабаб билан баҳслашиб қолсан-

гиз, қалбларингизнинг орасига масофа киришига йўл қўйманг. Орангизга масофа олиб кирадиган сўзлардан узоқ бўлинг, йўқса, у сизларни узоқлаштириб юборади.

Фикри қийматли одам бақирмайди, бақирган ўйламайди, ўйламаган ғавғо қилади.

Сасимизни эмас, фикримизни юксалтирайлик.

Бинафша ЖўРАҚУЛОВА
тайёрлади.

СИРДОШИДЕК ШИВИРЛАСАНГИЗ...

Муҳтарам ота-оналар!

Унутманг, жаҳлингиз чиққанда бақириб гапиришингиз фарзандларингиз соғлигига жуда ёмон таъсир қилади. Баттар инжиқланиб, янада қайсарлиги тутиши мумкин. Шунинг учун болангиз жаҳлингизни чиқарадиган иш қилса, вазмин бўлинг. Унинг ёнига келиб ўтиринг, майин овозда шивирлаб насиҳат қилинг. Бола мақсадингиз нималигини билиш учун диққат билан тинглайди. Ўзингизни хафа бўлганга солинг. Шунда бола ўзида айбдорлик ҳиссини туяди, кечирим сўрайди ва сизни хафа қилмасликка ҳаракат қилади.

Ишонинг, бола билан теппа-тенг бақирришгандан фойда йўқ. У номи билан бола, сиз эса каттасиз. Ақлий имкониятингиз жиҳатидан ҳам устунсиз. Шунинг доимо эсда тутинг!

Қаҳрамон муаллима

Мухаббат опа фаолияти давомида кўплаб ўқувчилар билан ишлади. Улар орасида оилавий муаммоси сабаб яхши ўқимайдиган, уйдаги ёмон муҳит таъсирида хулқи бузилганлари ҳам бор эди. Шу сабаб таълим бериш билан чекланмас, фанга қизиқтирар, шундай болалар билан ишлаб, уларнинг ҳам илғор бўлишларига ёрдам берарди. Ҳозир эса бошқа ўқитувчилар “Ўқиса ҳам, одам бўлмайди бу”, деган ўқувчиларининг бугун ҳаётда ўз ўрнини топганини кўриб хурсанд бўлади.

Қарши шаҳридаги 5-ўрта мактабда педагогик фаолиятини бошлаган, ҳозирда Қарши давлат университети профессори Мухаббат Шаропованинг ўзи каби математика фани ўқитувчиси бўлиб фаолият юритаётган ўқувчилари сони 150 нафардан ошган. 5 нафари фан доктори, ўнлаб фан номзодлари бор. Ўқитувчи ҳаётда фақат таълим бериб қолмасдан, ўқувчисининг келажагига ҳам таъсир этишини у ўз фаолияти давомида исботлади.

– “Менинг ишим таълим бериш, тарбияси билан ота-онаси шуғуллансин. Ўқиб олим бўлса, менга эмас, ота-онасига фойда

қилади, асабимни кетказиб нима қиламан?” дегувчи муаллимларни ҳеч тушунмайман, – дейди у. – Ўқитувчиликни фақат касб деб билмайман, бу масъулиятдир. Илм инсонни юқорига кўтарди. Ибн Аббос розияллоху анхумо: “Толиб бўлиб



хорландим ва матлуб бўлиб азиз бўлдим”, деган. Бугун биз заҳмат чекиб китоб ўқисак ва кучимизни илм беришга сарфласак, вақти келиб шогирдларимизнинг муваффақиятларида, бизга кўрсатган ҳурматларида азиз бўламиз.

Оддий муаллима бўлиб, бугун Ўзбекистон Қаҳрамонига айланган Мухаббат опанинг ҳаёти илм инсонни нечоғли улуғлашининг исботидир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар: **“Илм ўрғанинг, илм учун сакинат ва виқорни ҳам ўрғанинг. Сизга илм ўргатаётганларга тавозеда бўлинг!”** (Имом Табароний ривояти).

– Ўрганган илмимнинг меvasини нафақат шогирдларим ютуқларида, давлатимизнинг юксак эътирофида ҳам кўрдим, – дейди опа. – Таълим тизимида 50 йилдан ортиқ ишлаган бўлсам, мустақиллик йилларида тўрт мартаба давлат мукофотларига сазовор бўлдим: 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Фахрий ёрлиғи”**, 1996 йил **“Меҳнат шухрати”** ордени, 2007 йил **“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”** фахрий унвони, 2016 йил **“Ўзбекистон Қаҳрамони”** унвони билан тақдирландим. Инсон мақсадини тўғри ва аниқ белгилаб олиши керак. Мен ҳамиша ўқувчиларимнинг билимли ва олий маълумотли бўлиши учун ҳаракат қилдим. Ўқувчиларимнинг катта қисми талаба бўлди. Инсонларни билимли қилиш учун ҳаракат қилсангиз, Аллоҳ таоло мартабангизни кўтариб қўяркан.



Ўқитувчи ўз устида ишлашдан тўхтамаслиги керак. Ҳар куни ўрганиши, замон билан ҳамнафас бўлиши лозим. Тарбия яхши бўлмаган жойда таълимнинг таъсири камаяди. Шу сабаб ҳам ўқитувчи болаларга тарбия бериши керак. Бир китобда инсон бақиришни бошла-са, унинг маънавияти ўша ерда тугаши ҳақида ўқигандим. Маърифат билан тарбия қилишни ўрганишимиз лозим. Ёш ўқитувчилар: “Шогирдликка олсангиз”, деб менга мурожаат қилишса, ҳар дом: “Мендан ўзиб кетсанг, қабул қиламан”, дея жавоб бераман. Ўқитувчилар соғлом рақобатни шакллантириши зарур. Бир-биридан ўрганишга ва ўргатишга уялмаслиги, касбни моддиятга боғламай, маънавият ва юрт учун нафим тегсин, дея ҳаракат қилиши керак.

Муҳаббат опа “Ёш ўқитувчилар ва иқтидорли ўқувчилар” учун 5 та қўлланма, олийгоҳларга кирувчилар учун эса 5000 дан зиёд тестлар тўплами ҳозирлаган. Ўқувчиларидан 27 нафари Республика математика олимпиадасида, 3 нафари Халқаро математика олимпиадасида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаган. Аёл киши касбини севса ва ўз ишини сидқидилдан бажарса, ҳар қандай юмушга улгуриши, жамиятда ўз ўрнини топиб, ҳурматга сазовор инсонга айланиши Муҳаббат Шаропова ва унга ўхшаган фидойи устозлар тимсолида намоеён бўлади.

Камола АДАШБОЕВА

УСТОЗ – ЧАРХПАЛАК, ШОГИРД – СУВ

Ўткир Ҳошимов “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китобида устозни чархпалакка, шогирдни эса сувга қиёслаган. Чархпалак парраклари билан сувни юқорига кўтарди. Юқорига чиқиб олган сув ортга қайтмайдиган. Чархпалак эса бундан ранжимайдиган, яна бошқа сувни юқорига кўтараверади.

ХУШ КЕЛДИНГ, РАМАЗОН

*Савоб ганжин сочар ҳар кунинг,
Ибодат-ла бедордир тунинг.
Юракларга шавқ бўлиб униб,
Суюклигим бўлдинг, Рамазон.*

*Раҳмат бўлиб тонгларинг отди,
Мағфиратинг завқни уйғотди.
Рўза тутиб кўнгил ободдир,
Хайриётга тўлдинг, Рамазон.*

*Таровеҳинг – руҳнинг қайроғи,
Қуръонхонлик – иймон қаймоғи.
Ҳақ дийдори – таҳажжуд чоғи
Масту сархуш қилдинг, Рамазон.*

*Пайғамбарим суйган айёмсан,
Болам меҳр қўйган айёмсан.
Холиқ асраб – ийган айёмсан,
Элимга хуш келдинг, Рамазон!
Дилимга хуш келдинг, Рамазон!*

Салима УМАРОВА, Навоий шаҳри

Отинойим – офтобойим

*Офтоб бўлиб бидъатларни қуритсак биз,
Юракларга меҳр нурун таратсак биз.
Дастуригимиз диний-миллий қадриятлар,
Сабр-тоқат билан бўлар кўп ниятлар.
Маҳаллада ўрнимизни билсак доим,
Десаларки: “Отинойим – офтобойим”.*

*Расулulloҳ суннатларин қилиб шиор,
Бешикдан то қабргача илм истаб.
Илм тубсиз, интилганга толедир ёр,
Икки дунё саодатин юрсак кўзлаб.
Дуо қилсак, ижобати бўлса қоим,
Десаларки: “Отинойим – офтобойим”.*

*Ҳаёт борки, яшамоқ бор, бордир завол,
Бир кун шодлик, бир кун қайғу*

кун-тун мисол.

*Бўлдики бир мискинга биз тиргак, мадор? –
Тергаб турса юракларни эзгу савол.
Масъулият бурчи бўлсин қалбда доим,
Десаларки: “Отинойим – офтобойим”.*

**Ҳалима МУХТОРОВА,
Урганч тумани**



Таҳоратсиз киши Мусҳафни ушлаши жоиз эмас

Таҳорати бузилган ва жунуб бўлган эр ё аёллар ҳамда ҳайз ёки нифос ҳолатидаги аёллар Мусҳафни ушлаши мумкин эмас.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Албатта, у Қуръони каримдир. У сақланган китобдир. Уни фақат покланганларгина ушлайди. У оламларнинг Раббидан туширилгандир”** (Воқеа сураси, 77–80-оятлар). **“Йўқ! Албатта, улар (Қуръон оятлари) эслатмадир. Ким хоҳласа, уни эслайди. Хурматланган саҳифалардир. Олий қадардирлар, поклангандирлар. Элчи (фаришталар) қўлларидадир. Улар ҳурматланган ва ўта яхшидирлар”** (Абаса сураси, 11–16-оятлар).

Муғийра ибн Шўъба розияллоху анху ривоят қилади: «Усмон ибн Абул Ос (у пайтда ёш йигит эди) айтади: “Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларига бир неча киши элчи

бўлиб келдик. Улар ўзларидан мени Қуръонни энг кўп ёдлаган деб ҳисоблашарди. Мен Бақара сурасини ёдлаганим учун улардан устун эдим. Пайғамбар алайҳиссалом: **“Агарчи сен улардан энг кичик бўлсанг ҳам, уларга сени раҳбар этиб тайинладим. Қуръонни фақат таҳоратинг бўлганида ушлагин”**, дедилар».

Имом Косоний раҳимахуллоҳ айтади: “Қуръонни улуғлаш вожибдир. Мусҳафни таҳоратсиз ушлаш уни беҳурмат қилиш бўлади”.

Ҳанафий мазҳабимизда жунуб бўлган эр ва аёллар ҳамда ҳайз ва нифос ҳолидаги аёллар, шунингдек, таҳорати бузилган эр ва аёллар Мусҳафга ёпишмаган ғилоф бўлсагина уни ушлашлари мумкин. Акс ҳолда, мумкин эмас. Мазкур эр ва аёллар Мусҳафни енглари билан ҳам ушлаши жоиз эмас. Чунки кишининг уйидаги

кийими унинг қўли ҳукмида бўлади.

Қуръон ояти ёзилган лавҳа, тангаларни ҳам юқорида зикр этилган кишилар ушлашлари мумкин эмас. Фақат тангалар ҳамёнда бўлса мумкин. Кийим чўнтагида бўлса, мумкин эмас.

Таҳорати бўлмаган кишилар Қуръонни ёддан ё ўзидаги саҳифаларини қалам ё унга ўхшаш нарса билан варақлаб ўқиши мумкин.

*“Ҳайз ва нифос илми зубдаси” китобидан
Юлдуз АСҚАР қизи
таржимаси*

“Ушбу Қуръонга энг ҳақли инсонлар, гарчи уни қироат қилмаса-да, амаллари билан доим унга эргашувчилардир”.

*Ҳасан Басрий
раҳимахуллоҳ*

“Аллоҳга қасам, сени яхши кўраман”

Набий алайҳиссаломнинг Муоз розияллоҳу анҳуга муҳаббатлари махфий эмасди. Уни билдиришга эҳтиёж ҳам йўқ эди. Аммо Пайғамбар алайҳиссалом сўзининг қалбга нечоғлик таъсир этишини яхши билардилар. Шунинг учун саҳобага: **“Эй Муоз! Аллоҳга қасам, сени яхши кўраман”**, дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Дунёда шундай сўзлар борки, кишини асир этади. Билсак-да, қайта эшитгимиз келаверади.



Биз ўзимиз билган кўп сўзларни эшитишга муҳтожмиз. Ҳатто ёдлаб олган бўлсак-да, уларни тинглаш билан севи намиз, мамнун бўламиз.

Айрим сўзлар она боласини овунтиргани каби кишини тинчлантиради. Хавфда турганни кучоққа олганингизда ўзини хавфсиз ҳис қилгани каби далда беради. Ёмғир ерни тирилтиргани каби руҳлантиради.

Туйғуларимизни яширмайлик. Уларни изҳор қилайлик. Туйғуларимиз билан

яшаб, улардан лаззат олайлик. Муҳтожлигимиз қадар уларни ўзгаларга тақдим қилайлик.

“Очликларини юзларидан билдим”

Ансорлардан Абу Шуайб хизматкорига:

– Таом ҳозирла. Мен беш кишини чақираман. Улар орасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам бўладилар. У зотнинг очликларини юзларидан билдим! – деди.

Абу Шуайбнинг чақирганлари орасида олтинчи киши ҳам бор эди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

– **Бу бизга эргашиди. Рухсат берсанг, киради. Бермасанг, қайтиб кетади**, – дедилар.

Абу Шуайб:

– Кираверсин, рухсат, – деди (Имом Муслим ривояти).

Кишиларнинг эҳтиёжи юзидан билинади. Қайғули овозда кўз ёши, маҳзун товушда ёрдамга эҳтиёж, паришон хаёлда чуқур жароҳат ёки соғинч, тутилиб гапирилган гап ортида ташвиш бўлиши мумкин. Эътиборли бўлинг!

Инсон ўзидаги ҳамма нарсани айтмаслиги мумкин, аммо уни кўрса бўлади!..

“Шафқатларини эсладим”

Набий алайҳиссалом сафар асносида бир қабр ол-

дида тўхтадилар. Бошқалар ҳам тўхташди. Сўнгра худди бир гап эшитаётгандек муборақ бошларини қимирлатиб турдилар. Сўнгра йиғладилар. Шунда Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу сўради:

– Эй Аллоҳнинг Расули! Нега йиғлаяпсиз?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

– **Бу онам Омина бинти Ваҳбнинг қабри. Раббимдан у кишини зиёрат қилишни сўрадим. Рухсат берди. Унга истиғфор айтишни сўраган эдим, рухсат бермади. Онамнинг шафқатлари ёдимга тушди. Шунга йиғладим**, – дедилар (Имом Муслим ривояти).

Болалар ўйлаганимиздан кўра зийракроқ бўлишади. Уларнинг хотираси ниҳоятда кучли. Фарзандларимиз биздаги муҳаббат, меҳр, соғинч лаҳзаларини умрлари давомида эслайдилар.

Набий алайҳиссалом оналаридан олти ёшларида айрилган бўлсалар-да, аслида ундан камроқ муддат бирга яшаганлар. Шундан икки йилини Бани Саъд қабиласида, Ҳалима онамизнинг қарамоғида ўтказганлар. Орадан эллик йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, оналарининг меҳрини, шафқатини эсламоқдалар.

**Абдулқодир
ПОЛВОНОВ**

Аллоҳ таоло Ўз Каломида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: **“Албатта сиз буюк хулқ узрадирсиз”** (*Қалам сураси, 4-оят*), дея марҳамат қилади. Инсоният тарихида ахлоқ масаласи алоҳида ўрин тутди. Ислон туфайли ахлоқ-одоб асосий ўринга кўтарилди. Абу Дардо розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Қиёмат кунни мўминнинг мезонида чиройли хулқдан оғирроқ нарса бўлмас. Албатта, Аллоҳ фаҳш ва чиркин сўз айтувчини ёмон кўрур”**, дедилар (*Имом Термизий ва Имом Абу Довуд ривояти*).

ни мўмин кишининг юқорида ман қилинган фосиқона ишлар билан ном чиқариши) **нақадар ёмондир. Ким тавба қилмаса, бас, ана ўшалар золим кимсалардир»** (*Хужурот сураси, 11-оят*). Ислон дини мусулмон инсонни мулойим бўлишга, тилни беҳуда гаплар билан эмас, Қуръон тиловати зикр ва дуо билан банд қилишга чорлайди. Шунингдек, биродарларнинг орасини ислоҳ қилиш учун гўзал муомала қилишга чақиради. Бирок айрим кишилар мусулмон бўлса-да, ҳақоратли лақаблар тўқиб, айбини ҳамманинг олдида тез-тез эслатиб, биродарини

нарсанинг айблари кўриниб қолур”. Афсуски, мулойим, юмшоқфеъл инсонларни қўрқоқликда ёки айёрликда айблашга ўрганиб қолганмиз. Айниқса, аёлига ва фарзандларига гўзал муомала қиладиган эркаклар танқид қилинади. Ахир, бу мусулмон одобига киради-ку. Аёлини жеркиб, фарзандларини ҳақорат қилиш эса оддий ҳолга айланган. Шу сабаб ҳам хушмуомалаликдан ажабланиш пайдо бўлган.

Аллоҳ таоло ғазабини ичига юта оладиган кишиларни Қуръони каримда мақтайди: **«У тақводор зотлар яхши-**

Ғазаб ва масхаралаш балоси

Афсуски, жамиятимизда ахлоқсизликнинг турли кўринишлари кўзга ташланмоқда. Айрим кишилар ўзгаларнинг камчиликлари устидан кулади, ўз айбини эшитса, ислоҳ қилиш ўрнига айтган кишидан ранжийди. Айниқса, одамлар орасида бир-бирини масхаралаш учрамоқда. “Бу шунчаки ҳазил” деган баҳона билан масхаралаш туфайли инсонларнинг ораси бузилмоқда.

Муновий: “Масхара маънавий жиҳатдан ақлни паст санаш ва ҳиссий жиҳатдан ишни хор санашдир”, деган. Ибн Камол эса: “Масхара қилинувчи наздида арзийдиган, қилувчи наздида арзимайдиган нарсадир”, дейди.

«...Ўзларингизни (яъни бир-бирларингизни) мазах қилманглар ва бир-бирларингизга лақаблар қўйиб олманглар. Иймондан кейин фосиқлик билан номланиш (яъ-

масхаралайди. Жамиятимизда масхаралаш сабаб ўзига зиён етказиб қўйганлар ҳам бор. Масалан, қизига тинмай босим ўтказиб айблаган она ўсмир ёшидаги фарзандини укалари, дугоналари орасида кўп изза қилади. Бу муносабат жонига теккан қиз охир-оқибат жонига қасд қилади. Натижада она ўз фарзандининг қотилига айланади.

Шу сабаб ҳам динимизда одамларнинг ўзаро муносабатлари худди меҳмонга қиладиган муомаласидек ширин ва мулойим бўлиши талаб қилинади. Ойша розияллоҳу анҳога Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Эй Ойша, ўзингга юмшоқликни лозим тутгин, кўполлик ва ундан пайдо бўладиган ёмонликлардан сақлан, чунки юмшоқлик аралашган ҳар бир нарса чиройли бўлур ва юмшоқлик аралашмаган**

ёмон кунларда инфоқ-эхсон қиладиган, ғазабларини ичига ютадиган, одамларнинг (хато-камчиликларини) афв этадиган кишилардир. Аллоҳ таоло бундай яхшилик қилувчиларни севади» (*Оли Имрон сураси, 134-оят*). Афсуски, мусулмонлар орасида ана шундай сеvimли инсонлар сони камайиб бормоқда. Ижтимоий тармоқларни кўринг, жамиятга бир назар солинг, балки ўзингизни ҳам кўзгуда кўрарсиз. Ғазаб ва масхаралаш иллатларини бартараф этиб, ўзимизни ислоҳ қилиш вақти келди. Аллоҳга сеvimли ва муносиб уммат бўлишимиз хулқимизга боғлиқ. Шундай экан, уни гўзал қилишга киришайлик.

Ҳуснигул ҲАЛИМОВА,
“Жўйбори Калон” аёл-қизлар ўрта махсус ислом билим юрти ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари



Сахийлик қилган ютади



Бир куни узоқ йиллар бирга ишлаган дугонам билан кўришиб қолдим. Гап орасида у бошидан ўтказган бир воқеани сўзлаб берди ва меҳр-оқибатли инсонлар ҳаётнинг нақши дея таърифлади. Бундай одамларни дуо қиларкансан, миннатдорлик сўзлари чин юракдан чиқишини алоҳида таъкидлади. Ҳикояни унинг ўзидан эшитинг:

«Одамнинг бошида ҳар хил кунлар бўларкан. Ўтган йили Рамазон ойида ишдан сўнг «Ифторликка нима қилсам экан?» деб ўйланиб кета бошладим.

Ишхонамиз қаршисида иккита дўкон бор. Бирига кирдим ва минг истиҳолада ойлик чиққунча тухум, шакар ва яна бошқа зарур нарсаларни қарзга сўрадим. Сотувчи Рамазонда савоб бўлади, деб сўраганларимни берди. Хурсанд бўлиб иккинчи дўконга кирдим ва сотувчига яқинлашиб, истиҳола билан пастгина овозда:

– Бир кило картошка бериб тура оласизми? Ойлигим чиқишига уч кун қолди, шунда бериб кетаман, – дедим. Бунга атрофдагилар эшитиб қолмасин, деб деярли пичирлаб сўрадим. У эса баланд овозда:

– Йўқ, беролмайман, – деди.

Қаттиқ мулзам бўлиб чиқиб

кетдим. Картошка бермаганидан эмас, балки атайлаб баланд овозда жавоб қайтарганидан хафа бўлдим. Тез-тез у одамдан савдо қилганим учун таниш бўлиб кетгандик. Ишлашимни ҳам яхши биларди. Аммо...

Кўзда ёш билан йўлда давом этдим. «Аллоҳим, асло бандаларингга муҳтож қилма!» дея дуо қилдим.

Бекатда турсам, бир мошин келиб тўхтади ва:

– Ассалому алайкум! Боя дўкондан картошка сўрадингиз, лекин беришмади. Бугун эҳсон қилиш ниятим бор эди. Хафа бўлманг ундай одамлардан! Илтимос, Аллоҳ учун шуни олинг, – деб 2 кило картошкани ҳам қўлимга тутқазди. – Илтимос, сиз учун сотиб олганман, – деди у.

Ҳаммаси ўтди. Лекин Рамазондек савоблар мўл қилиб бериладиган муборак ойда ажр истаб юрган одамларни кўринг! Ким ютди-ю, ким ютқазди...

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 215-оятида бундай марҳамат қилади: **“...Қандай яхшилик қилсангиз ҳам, Аллоҳ уни, албатта, билади...”**

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қи-

линади. Қудсий ҳадисда бундай дейилган: **«Албатта, Аллоҳ таоло яхши ва ёмон амалларни ҳам ёзиб, уни қуйидагича баён этди: “Ким бир яхшилик қилишга аҳд этса-ю, аммо амалга ошира олмаса, Аллоҳ таоло унинг учун Ўз ҳузурида комил яхшилик қилди, деб ёзиб қўяди. Агар яхшилик қилишга қарор бериб, уни амалга оширса, унга Аллоҳ таоло Ўз ҳузурида ўн савобдан етти юз савобгача, ҳатто бундан бир неча баробар кўп савоб беради. Агар бирор ёмонлик қилишни ўйласа-ю, уни амалга оширмаса, Аллоҳ таоло унга бир яхшилик савобини беради. Ёмонлик қилишга қарор берса-ю, уни амалга оширса, Аллоҳ таоло унга битта ёмонлик ёзади»»** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Ушбу ҳадисда айтилган амаллар Рамазонда янада аҳамиятли бўлади, албатта. Чунки бошқа ойларда бир яхшиликка ўн савоб берилса, Рамазон ойида етти юзтагача ажр ато этилади.

Зухра АБДУЛЛАЖОН
қизи



(Давоми, бошланиши
ўтган сонда.)

Савоб умид қила бошладингизми?

Ишончим комил, ушбу жумлаларни ўқий бошлаганингиз заҳоти савоб умид эта бошлайсиз. Хўш, нимани умид қилмоқдасиз?

1. Шариат илмини ўрганиш.
2. Ўзингиз ва мусулмонларни билимли қилиш.

лингган савобга эришиш учун турли яхшиликларни рисоладагидек бажаришдир.

Яхшиликка шукр, ёмонликка сабр қилиш, ҳаракатда бўлиш ва жим туришдан иборат ишларингизни солиҳ амалларингиз деб ҳисоблаб, улар учун ажр умид қилинг.

Ажр умид қилиш – қалб иши. Пайғамбар алайҳиссалом бизга ниятнинг ўрни қалбда эканини хабар бер-

(дунё)ни истаса, унга бу дунёда ирода қилган кишимизга нимани хоҳласак, шошилишч берурмиз” (Исро сураси, 18-оят).

Аллоҳ таоло оятда: “Банда хоҳлаган нарсани тезлатиб берурмиз”, демади. Балки **“Нимани хоҳласак”**, деди. “Ҳар бир кишига”, демади. Балки: **“Биз ирода қил-**

Ҳар кунни қандай

3. Вақтингизни фойдали ишларга сарфлаш.

4. Ушбу китобда келадиган амаллар савобидан умид қилиш орқали ҳасанотлардан имкон қадар кўпроқ жамлаб, Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиш...

“...Ана ўша Аллоҳнинг фазли. Кимга хоҳласа, беради. Аллоҳ улуғ фазл эгасидир” (Ҳадид сураси, 21-оят).

Савоб умид қилиш

Яхшилик ва ёмонликлардан ажр умид қилиш бу – тақдирга рози бўлиш, сабр билан савоб тилаш ёки умид қи-

ганлар. Сиз қачон Аллоҳ таолодан ажр умид қилсангиз, демак, У Зот сўраганингизни беради. Парвардигорга эса ҳеч нарса махфий эмас: **«Сен: “Агар қалбингиздаги нарсани махфий тутсангиз ҳам, ошкор қилсангиз ҳам, Аллоҳ билади...” деб айт» (Оли Имрон сураси, 29-оят).**

Амалда ният бўлиши шарт. Ким амали билан Парвардигорнинг розилигини истаса, ниятига етади. Аксинча, дунёни истаса, ниятига эришса-да, аммо бунинг оқибати ўта хатарлидир.

Ниятлар орасида катта фарқ бор. Айримлар улуғ, яна кимлардир энг арзимас нарсани ният қилади. Агар шаръий амалларингизда Аллоҳ ва охират кунини ният қилсангиз, ниятингизга етасиз. Агар дунёни ният қилсангиз, гоҳида етиб, гоҳида етмаслигингиз мумкин. Аллоҳ таоло бундай дейди: **“Ким шошган**

ган кишимизга”, деди.

Шундай экан, айримларга дунёдан истаган нарсаси берилади, баъзиларига ундан бир нарса, яна айримларга ҳеч нарса берилмайди. Бунинг маъноси Аллоҳ таолонинг ушбу сўзидир: **“Унга бу дунёда ирода қилган кишимизга нимани хоҳласак, шошилишч берурмиз”.**

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Ким охиратни истаса ва унга эришиш учун мўмин бўлган ҳолида керакли ҳаракатини қилса, бас, ана ўшаларнинг ҳаракатлари мақбулдир” (Исро сураси, 19-оят).** Аллоҳнинг розилиги ва охиратни истаб қилинган амалларни кўпайтириш лозим. Яъни ҳар бир ишингиздан ажр умид қилишга ҳарис бўлинг.

Инсон яхши амални ният қилса, гарчи уни адо этолмаса ҳам, ниятининг ажри унга берилади. Лекин солиҳ амални

ўша заҳоти бажарса, яъни қодир бўлган вақтида бажарса ва ундан сўнг бажаришдан ожиз қолса, унга тўлиқ бажарганлик ажри ёзилади. Боиси Набий алайҳиссалом бундай деганлар: **“Агар банда бемор ёки сафарда бўлса, соғлом ва муқимлигида бажарувчи амали (савоби) унга ёзилади”** (Имом Бухорий ривояти).

чи бўлса, лекин у иш қолиб, афзалроғини бажарса, икковини бир вақтда қилолмаса, Аллоҳ унга ўша қила олмаган ишнинг савобини ҳам ёзади. Бу Аллоҳнинг фазлу марҳаматидир.

Савоб умид қилишингиз нега муҳим?

1. Нима сабабдан яратилганингизни аниқлаб олинг. Боиси ҳаётга қилишингиз бу-

сонни фақат Менга ибодат қилишлари учунгина яратдим” (Зорриёт сураси, 56-оят).

2. Савоб умид қилишингиз жуда муҳим. Чунки у ибодатларингизни бир-биридан ажратади. Шунингдек, яна сизга одатни ибодатдан ажратиб оли-

савоб топасиз?

Масалан, киши нафл намоз ўқишни одат қилган. Кейин бирор сабаб бўлиб, одатига хилоф қилса ҳам, унга тўлиқ ажр ёзилаверади. Агар одат қилгани солиҳ амал бўлмаса, сўнг яхши ният қилса-ю, бажара олмаса, унга амалига эмас, ниятига ажр ёзилади. Шунинг учун Набий алайҳиссалом Аллоҳ таоло мол-дунё бериб, уни яхшилик йўлида эртаю кеч инфоқ-эхсон қиладиган киши ҳамда фақирнинг: “Агар менда фалончини каби мол бўлса, фалончининг амали каби амал қилган бўлардим”, деб айтганини зикр қилиб: **“Унга ният қилганидир. Иккиси ажрда тенгдирлар”**, деганлар (Имом Термизий ривояти). Яъни ният жиҳатидан савобида тенгдирлар.

Ўзингизни амаллардан савоб умид қилишга одатлантиришингиз нур устига нурдир. Ким бир ишни қилмоқ-

юк ҳодиса бўлиб, бунинг оқибатида сизга буюрилган, сиз ҳисоб-китоб қилинадиган ишлар юзага келади. Шу боис мусулмоннинг ғам-ташвиши нима сабабдан эканини аниқлаб олиш лозим.

Банданинг ҳар бир қиладиган ёки тарк этадиган нарсасидаги нияти холис Аллоҳ таолонинг розилигига қаратилган бўлиши лозим. Агар шу ишни қилса, вожиб, мандуб, мубоҳ ишлар ибодатга айланади. Шунингдек, ҳаром нарсаларни тарк этиши билан савобга эришади. Бунини кўп далиллар исботлайди.

Ҳамма ишингизда савоб умид қилишга ҳарис бўлишингиз сизни ибодатда бардавом қилади. Сўнг Аллоҳ сизни нима учун яратган бўлса, ўша нарсада қоим этади. Парвардигор бундай марҳамат қилади: **“Жин ва ин-**

шингиз зарур бўлади. Масалан, салқинлаб олиш ё катта бетаҳоратликдан покланиш, майитни ғусл қилдириш ёки жума куни учун ғусл олиш. Ниятда буларнинг барчаси эътиборга олинади.

3. Сиз солиҳ ният қилишга муҳтожсиз. Чунки барча амаллар қабул бўлиши, рад этилиши, савоб ёки иқобга эга бўлиши ниятга боғлиқдир. Бунга Набий алайҳиссаломнинг сўзлари далил: **“Албатта, амаллар ниятларга кўра (баҳоланади). Ва ҳар бир кишига ўзи ният қилган нарсаси (бўлади)”** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Сизга бу иш қанчалик муҳим ва жиддий экани маълум бўлдим?

У ҳолда, келинг, барчамиз савоб умид қиламиз.

(Давоми бор.)

Юлдуз КОМИЛОВА

Жигарга фойдали:

✓ – ёғи кам балиқлар;
 ✓ – ёғи кам сут маҳсулотлари (балиқ билан қўшиш мумкин эмас);

✓ – сабзавотлар, мева-лар ва кўкатлар (оқ бошли карам, гулкарам, сабзи, лавлаги, помидор, бодринг, қовоқ, шивит, петрушка);

✓ – ёнғоқ, бодом ва бошқа дуккакдилар.

Гўшти, товуқли ва қўзиқоринли қайнатма шўрваларни кўп истеъмол қилиш керак.

Жигарга зарарли:

✗ – мол ёғи, маргарин, пальма ёғи;

✗ – маст қилувчи ичимликлар;

✗ – газли, шакарли энергетик ичимликлар;

✗ – дори препаратлари. Ёғли, қовурилган

овқатларни иложи бори-ча кам ейиш лозим. Аччиқ, шўр нарсалар, шоколад ва ширинликлар ҳам жигарга салбий таъсир қилади.

Муздек сув ичманг

Овқатланишдан 15–20 дақиқа олдин ёки шунча вақт кейин сув ичган яхши. Лекин муздек сув ичганда ичаклар, томирлар тораяди, қон айланиши секинлашади, овқат ҳазм қилиш қийинлашади. Овқатланиш пайтида истеъмол қиладиган сувнинг энг паст ҳарорати 12–15°C ни ташкил қилиши керак.

Илиқ сув ичиш туфайли ошқозонда овқат тез ҳазм бўлади ва осон сўрилади.

ФАСТ-ФУДЛАР НЕГА ЗАРАРЛИ?

Фаст-фудларни мунтазам истеъмол қилиш холестерин миқдорини оширади, ошқозон-ичак тизими ва юрак-қон томир тизими касалликларини келтириб чиқаради. Фаст-фудларда кўп миқдорда ёғ ва консервантлар бўлиб, витамин ҳамда минераллар деярли йўқ.

Фаст-фудлар таркибидага сунъий зарарли ёғлар асаб тизими хасталиклари, саратон, диабет ва бепуштлиқнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Фаст-фудлар, айниқса, болалар соғлиги учун жуда ҳам зарарлидир.

**НАМОЗНИНГ СОҒЛИККА ФОЙДАЛАРИ**

– Намоз ўқиш нафақат савоб, айни пайтда соғлигимиз учун ҳам жуда фойдалидир. Бу ибодатдаги барча ҳаракатлар энгил ва осон бўлгани боис юракни толиқтирмайди. Куннинг муайян вақтларида бажарилгани учун инсонни доимо тетик тутади.

– Намоз ўқийдиган инсоннинг боши мунтазам эгилиб-кўтарилиб тургани боис унинг танасида қон айланиши яхшиланади. Кўзнинг ички босими ошмайди, шоҳпарда меъёрида намла-ниб туради. Бу эса катаракта касалли-гининг олдини олишда жуда муҳим-дир. Бежиз Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Кўзим қувончи на-мозда қилинди”** (Имом Насоий ривоя-ти), демаганлар.

– Намоздаги тартибли ҳаракатлар овқат ҳазмини яхшилайди, ўт пуфаги-даги суюқлик бир меъёрда ажралиб чиқишига, ошқозонности безининг ра-вон ишлашига имкон беради, қабзи-ятнинг олдини олади.

– Буйрак, бавл йўллари, қовуқ ва тўғри ичакнинг энгил чайқалиши на-тижасида бавл ажралиш жараёни бир меъёрда бўлади. Ушбу аъзоларда тош ҳосил бўлмайди.

– Намоз уйқуни тартибга солади. На-моз туфайли танада тўпланиб қолади-ган ортиқча қувватлар чиқиб кетади.

– Намозда танамизнинг барча аъзо-лари мўътадил ҳаракатланиши нати-жасида бўғим касалликлари бартараф этилади, туз йиғилишининг олди оли-нади, томирларда тикинлар пайдо бўл-майди.

– Намоз ҳам жисмоний, ҳам маъна-вий поклик бўлиб, уни адо этган киши ҳар жиҳатдан соғлом ва тетик бўлади.